

Библиотека № 30
Республиканской
библиотеки

R 496ахбн

ГУЛІСТОН

№ 3

1967



Бувижонлар



Онажонлар



Опажонлар



Болажонлар



ШАХМАТ

ЭРТАК

ТУРКУМ

ЁДНОМА

ХИКОЯ

ГУРУНГ

МУНОЗАРА

ЛАВХА

РЕПОРТАЖ

ОЧЕРК

ВОШМАҚОЛА

Ўзбекистон
Компартияси
Марказий
Комитети
журнали



№ 3

март

1967

УШБУ СОН

мазмунни

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК
САОДАТ НАШЪАСИ
ШЕЪРИЯТ ШАЙДОЛАРИГА
КИНОЛАВҲАЛАР
АЛЛА, ҚЎЗИМ, АЛЛА
ГУЛ ОШИГИ
ТЕМУР ДАСТХАТИ
ТОШКЕНТ МОНРЕАЛДА
НЬЮ-ЙОРК ФОЖИАСИ
ҲИСОР ҚЎЙЛАРИ ҶАНИ?
ЗИРА — ДОРИВОР
БАҚА БИЛАН ТАҚА
ХОТИНЛАР ГИЙБАТИ



МУАЛЛИФЛАРИМИЗ:

{ Сарвар Азимов, Саида Зуннунова, Эркин Воҳидов, Музайяна Алавия, Эътибор Охунова, Азиз Абдураззоқ.

{ Алихон Соғуний, М. Тўйчиев, М. Юнусхўжаева, Муҳсин Алиев, Озод Шарафиддинов, Абдулхай Умаров.

{ Т. Кўзибоев, М. Султонов, М. Нурматов, У. Нуритдинов.

Ойлик ижтимоий-сийёсий
адабий-бадиий безакли журнал

ЗАРВАРАКЛАРДА

1-бет — Самарқанд келини. Ўзбекистон ССР ҳалқ рассоми Чингиз Аҳмаров ишлаган.

2-бет — Бахтиёрлар.

4-бет — Гулнора.

Г. Графкин фотолари

Ички 2—3-зарварақлар. Асрлар ва қасрлар.

Г. Графкин, Е. Юдицкий фотолари.



КЕЛАСИ СОН

мазмуни

ОЧЕРК — ленин нўксимизда

ЁДНОМА — темур тузунлари

ТУРКУМ — миртемир

ТОПИЛДИҚ — шаумян мактуби

МУЛОҲАЗА — қиттак савдогар ҳони

ЛАВҲА — пулисангин қўшиқлари

ФЕЛЬЕТОН — аёллар исёни

ДОСТОН — тошкент билан суҳбат

РЕПОРТАЖ — номлар комиссиясида



ХАЛҚ ХИЗМАТ КОРЛАРИ




Аҳли юртимиз 12 март куни ўз раҳнамоси учун, гулшани учун, ёргу бугуни ва порлоқ эртаси учун ядил овоз берди, сара фарзандларини Узбекистон парламентига сайдади. Суратда депутатлардан бир гурӯҳи: биринчи қатор — Муса ТОШМУҲАМЕДОВ (Ойбек) — Узбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, ёзувчи; Урол ТАНСИҚБОЕВ — СССР Бадий академиясининг ҳақиқий аъзоси, СССР халқ рассоми; Толип СОДИҚОВ — Узбекистон КП Октябрь район комитетининг Биринчи секретари; иккинчи қатор — Ашраф КАШИПОВ — Тошкентдаги 1-йисозлик комбинатининг бошлиги; Зулфия ИСРОИЛОВА «Саодат» журналиниң редактори; Саннам БОЛТАБОЕВА — Бекобод районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси; Саъди СИРОЖИДДИНОВ — В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг рентопри; учинчи қатор — Нафиса МУХИТДИНОВА — Янгийўл районидаги Ниёзбози қишлоғ участка касалхонасининг бош врачи; Хўяс АЛИҚУЛОВ — «Узбекуголь» комбинати Оҳангарон кўмир разрезининг экскаватор машинисти; Ойниса ХОЛИКОВА — Тошкент Электротехника заводининг йигувчи-слесари; Турсун ТУХТАХУЖАЕВ — Тошкент бирлашган Грандан авиабўйлумаси «ИЛ-18» немасининг командири.

ЎзТАГ фотохроникаси.

Эм
№ 3

„Гулистон“ халқ хизматкорларининг
ишларига равнақ тилайди





Салом азизалар

Она!

Жаҳонда бундан мўътабар сўз борми?! Баҳор ижодкорлиги, ҳаёт ширинлиги, жаҳон ёруғлиги, қўёш саҳиyllиги, дунёнинг соҳибжамоллигини, умр боқийлигини, эзгу ниятларни бир сўз билан мукаммал ифода қиласиз десак Она деймиз.

Кечалари оқсут берид, саҳаргача кўз юммай чиққан Она! Ток зангларига тортилган беланчакни тебратиб алла айтган, ҳаёт қўшиғини кўйлаган Она! Бир парча этин катта қилиб, одам қаторига қўшиған ва оламга танитган Она! Навоий юрагига жонбахш ғазал жо этган, Ибн Синонадай донишини яратган, Улуғбекни сайдераларга ошиқ қиласи, Машрабни вояяга етказган, Нодирин камол топтирган Она!

Жаҳонга улуг Ленинин армуюн этган Она!

Мард Она, қаҳрамон Она, вағодору жафокаш, меҳрибону бардошли, улуғвору камтарин Она!

Жаҳонда ким бўлмасин, буюк олим, фозил, фазогирми, ноз-нельматлар ижодкори деҳқонми, қаҳрамон боғбонми, ғазал мулкининг сultonими, Онадан абадий қарздор, умри борича Онага қуллуқ қилиши ўзига бахт деб билади.

Қаҳрамон Она, Сизнинг кўксингизга оналик шарафи Улуғ Диёризмизда абадий тақиб қўйилди. Сиз қўлингизга ол байроқ тутиб, инқилюйиб сафарларни олдида бордингиз, буюк жабҳаларда әрлар билан баббаравар одим ташлаб, муаззин қасрни барпо этишда мунҷоқ-мунҷоқ тер тўқдингиз.

Қаердаки ҳаёт томирни уриб турган бўлса, меҳрибон Онажон, ўша ерда Сиз бор. Сиз — мурабия, муаллума, шифокор, ҳаёт гулшанинг боғбони, одамзод ақл-закосининг чароғбони.

Тинчлик, Озодлик, Бахт-саодат, Меҳнат таронасини авж пардаларда кўйлайтган совет аёлларининг қудратли садосида Озод Шарқ қизининг, ўзбек қизининг ҳам овози бордир.

Бу таронага жўр бўлганлар Турсуной Охунова билан Чўлпоной Қудратиллаева, Зулфия Истроилова билан Саида Зуннунова, Зулфия Умидова билан Сабоҳат Азимжонова, Лутфихоним Саримсоқова, Мукаррам Тургунбоева, уларнинг минг-минглаб тенгдошлари, дугоналари, опа-сингилларидир.

Онажонимизнинг, хотин-қизларимизнинг, баҳтиёр аёлларнинг ғоят масъулиятли ижтимоий бурчларидан ташқари буюк инсоний бурчлари ҳам борки, бу — фарзандларни тарбиялашдан, ўш ниҳолни ўстиришдан, одам боласига қанот беришдан иборатидир. Биз бу улуғ курашда ҳам, мухтарамамиз, Сизга сиҳат-саломатлик, куч-қувват тилаймиз.

Севикли Онажон, бугун ял-ял байрамингиз. Шу улуг айёмда ўзининг сийнангизда боқсан отахон шоир шеъридан бир парча эслатмай иложимиз йўқ:

Онам деганимда, оқсоч жафокаш,
Мунис ва меҳрибон чехранг намоён.
Сен, ахир, багринида парвариш қилиб,
Кўзимга баҳш этдинг кўзгудек жаҳон.

Оналик — буюк баҳт. Саодат офтоби порлаган Ватаандаги туғилиш, Она бўлиш, бола боқиш янада улуғроқ баҳт.

Қўёш ҳамма ерда теппа-тент нур сочади. Шабнамдан барча кўкатлар бирдек баҳра олади. Жаҳонда ҳамма ердаги оналар тўлғоқ азобини бирдек тортадилар. Биз ҳамма аёлларни, барча хотин-қизларни, барча сналарни бирдек ҳур, баҳтиёр кўришини истаймиз.

Жамики улуглигингиз, саҳиyllигингиз, мунислигингиз, оқ сутингиз учун раҳмат, Онажон!

Байрамингиз муборак, азизалар!

ЭШИКДАН ТАШҚАРИ ЧИҚМАСДИК БУРУН,
ОСМОН ҚУББАСИГА ЕТДИ ИЗИМИ!

Гулчехра Жўраева

Ҳа, ҳурмиз, эркинмиз. Жаҳонларга улашсан етгудек баҳтимиз, қудратимиз бор. Октябрь тонги отмасдан олдинги зулм ва хўрликлар ҳукмрон бўлган маъшум замонда қизларимиз шундай мисралар бита олармиди? Йўқ, мутлақо! Қадим, Осиё түнида юлдузен чараклаган шоира Увайсий:

Мехнату аламларга мубтало Увайсийман,
Қайдай дард эли бўлса, ошно Увайсийман...

деб ўзининг дардлилар замонида яшаганини маълум этади. У кўп шетларда маломатдан иолийди, баҳтисизлик, адолосизликдан изтироб чекади. Еки ўтмиши шонраси Моҳзода бегимнинг юрак фигонланни эшитиб кўрайлик:

Жаҳон! Сен бевафо, ҳар ерда кўп иносонни
иїглатдинг,
Биёбони қазода неча минг барнони
иїглатдинг...

Ўтмишнинг жабру жафоларидан инграб ғазаллар билан бу шонралар қисмати бизга наёни. Бу мунгли нодалар ёлиз ўзбек хотин-қизлари тақдирни ҳақидаги ҳасратномаларигина эмас, ўша давр аёлларни кўргилиги бўлган изтироб қўшиқлари ҳамдир.

Қоп-қора баҳмал кечада юлдузлар қанчалик ёрқин чарақласа, ўтмиш зулматларни эслаганда бугунги иқболимиз машалин шунчалар ёруғ шуъла сочади. Биз яшаетган замона тархи саҳифаларига тубли таҳрир киритди. Ноёб баҳтини, маъсуд оналик, бебаҳо ёшлини, эзгу орзу-умидларини ёрқин тараннум этиб, жўшқин мисралар яратадиган баҳт соҳибалари — шоира ва адабалар Октябрь самарасидир.

Хозирги куннимизнинг ҳар бир дақиқасини олтин тарозида ўлчагим келади. Бу ўлканнинг кумуш тонглари, тарозили оғизоми, сўлум наҳорлари нақадар ҳаётбахш, чунки во баҳтиёрлар ўлкаси. Баҳт яратувчилар ҳам, баҳт ёгалари ҳам — биз ўзимиз.

Баҳт — мен ўзим, ҳаёт богида
Неча гуллаб тенгдошларин бор.
Баҳт — бизлармиз, қўнгил торида
Озод Ватан қўшиги тақор.

Саодат сўзининг ўлчови -- худуди йўқ дейдилар. Биздаги саодат аёлларининг ҳам сон-саноги йўқдир. Қайси жабҳага назар ташламанг, гўзалик яратадиган қиз-жувонларни кўрасиз. Улар бор жойда орасатлики, ёзгулик, гўзалик бор. Бугина эмас, шонр қўлига қалам тутқизган, созандаги торига дилбар кўз бўлиб оқиб кирган, хушон қўшиғига мазмун берган ҳам шулар.

Марҳум домламиз Мақсад Шайхзоданинг таъбири билан айтганда, классик адабиётдағазал жанрининг келиб қишиши ва ривоҷ топнишида аёлларнинг зебо ва ҳурийлиги, жон оловчи латофати, маънавий гўзалигининг аҳамияти каттадир. «Ғазал» ва ундан ясалган «мугозала» сўзининг бевосита луғавий матъноси аёллар сұхбатидан фойзи демақдир. Ғазал мулкининг сultonни Алишер Навоийнинг шоҳ асарларидаги асосий мавзу ҳам аёллар мадди, ишчи эмасми!

Навоий, ёрни топсанг саломат, хайрбод этким, Яна заъф этса ногоҳ, қолмагай жоннинг азоб ичра.

Аёллар — ҳаёт, аёллар — ёзгулик, аёллар — келажак. Шу бугунгимиз ҳам аёллар билан гўзал. Гўзалларигина эмас, коммунизмнинг моддий техника базасини яратувчилар, завод ва фабрикалар, колхоз ва совхозларда ўзларининг фидонкорона меҳнат-

БАХТ – БИЗЛАР МИЗ



лары билан ҳұрмат, иззат қозғонғанлар — улар. Нозиңеңматтар әртүрчилар, ёш авлод тарбиячилари, шифокорлар, фазо лочинлари, киши руҳининг инженерлари — қалам соҳиблари, тинчлик бўстонининг турфа гуллари...

Далалярга эрта баҳор, куз, ёз, ҳатто қиши палладалири ҳам йўлим тушган. Эрта баҳор... Шудгорланган ер қорамтири тусада ястанис өтари. Гиёҳ кўринмайди. Она дала уйқуда. Субхидам палласида боғларга бўлбул навосини тинглаш учун эмас, далага ошиқсан қизин учратганиман.

Она еринги илир нозли уйқусидан уйготиш учун келган қиз Турсуной эди. Унинг юрагини бир ишқ — ўзи она ерга сепган чигитнинг унниб чицишини интизорлик билан кутиши ишқи ёндираётгани аниқ. Ниҳоят митти гўзга ниҳоли ер кўксини ёриб чиқади. Паҳталор қиз дилидаги эзгу ҳисларни аллайди. Заҳматкаш қиз гўзларни қошидан нари кетолмай парвона. Ахир гўза ҳам фарзанд-ку! У туғилди, у яшашти. Турсуной опа бўлиб гўзларини келдигит олади. Мехр ҷашмаси билан сугоради. Тагларини паркдай юмшатиб авайлайди. Қиз учун барча гўзаллуклар шу ерда — далаада. Гўза гуллади. Турсунойнинг ёноқларида ҳам шу гулдай табассум. Шу табассумни шеърга қўчириши ўйлаб халғта толаман. Табассум! Ишлаб чиқаршимизнинг қайси бир тармомига қарамай, чехрасини табассум безаган қиз-жувонларни кўраман. Ўз ишидан, баҳтида мамнун бўлғанларга ҳамиша табассум ёр.

Мана, яна бир табассумга ёр аёл. Куни-кеча Ленин ордени билан мукофотланган шифокорлар орасида 1-шахар юкумли касалликлар касалхонасининг ҳамшираси Ҳалима Ҳакимованинг ҳамноми бор. Қаранг-а, оддий ҳамшира олий нишон олишга сазовор бўлсабди! Мехнатнинг иззати шу эмасми. Ҳа, аёлларимиз юрагида меҳнат ишини, юзлариди шу меҳнат самараши — табассум. Эҳа, ҳали қаламга олинмаган табассум әгалари қанчадан-канча.

Эрта тонг... Борлиқ нозли уйқудан уйғонибоқ қўшиқка рўбарў бўлди. Бинобарин, ҳар тонг қўшиқ билан бошланади бўзда.

Шод, баҳтиёрман,
Аҳдимда борман
Бахтимга ёрман.

Қўшиқчи қизининг овози ўз қанотида баҳт, шодлик элтиб қўшиқка жўр бўлган юракларга ҳади этади. Эсси, Шаҳриён, Турсунойлар ҳам шундай қўшиқ кўйлашни орзу қўлмаганимди? Қўшиқ кўйлагани учун пичоқланган Турсуной, Нурухонлар ҳозир бўлсаиди. Шундай шодиён дамларда биз ўтмисх курбонлари, баҳтимиз йўлида жувонмар бўлган опа ва оналар хотигасин учун бош эгамиз. Ноёб баҳтимизни эъзозлаб сақлашга, гард юқтирумай ас рапша сўз берамиз. Негаки бу баҳт курашлардан, кўз ёшларидан бунёдга келган.

Биз бу баҳт учун муносиб ишларимиз билан жаъоб берамиз. Инсонга азиз ҳамроҳ, яқин кўмакдош бўлишга, ўтли мисраларимиз билан инсонни, замонни, баҳтни шарафлашга сўз берамиз. Масъуд оналарниң кўзларидаги баҳт нашъасида, гўдаклар лабидаги шўх кулагуда, одамлар гурунгидаги самиийлиқда, боғлар, хиёбонларга тўшаладиган гуллар атрида, ҳар бир, ҳар бир эзгулиқда улущимиз бўлсени. Азиз юрт гулшанини, азиз замондошлар шаънини кўйласни ҳаминса бу қалам.

Ҳаёт ширин, ҳаёт гўзал,
Ўмр манту бўлса қани!
Ҳатто киприк юммай тунлар
Еъсанг, кутар юрт чамани.



Қадимда баъзан «Қиз түққандан кўра тош туққан яхши» дердилар, Эллик йилдирки, бу гапнинг маъноси ўзгарди. Эндиликда қизлик — қирмизлик, Қизлар гўзлалитимизнинг, баҳтиёрлитетимизнинг, покизалитимизнинг рамзи. Уларин биз энди баҳорга, раънога, тўлинингга ўхшатамиз. Фоточи А. ТУРАЕВ олган бу расмда ана шу хушнудлигимиз, тиннилгимиз, дилбарлигимиз аске этган.

Совет хотин-қизлари энг баҳтиёрдилар дерканимиз, бу тамомила ҳақ.



ЯНГИ ТИЗМА ЛАР

ШЕРГИЙТ
ШАЙДОЛАРИГА

БИЛМАЙМАН, БУ УЙДА ЯШАГАНДИ КИМ.
РОСА ҚИЛГАН ЭКАН МЕХНАТ, ҲАФСАЛА.
БҮГҮН ДИЛ ЭЗГҮВЧИ СҮКУНАТ ҲОКИМ,
СИНГАН ҚОВИРГАДЕК ӘТАР ВАССАЛАР.

КУЗИМГА ЕТИМДЕК МҮНГЛИ БОКАДИ
БИР ӘНДА ШУВОҒИ ТҮКИЛГАН УЧОҚ.
ГҮЕ ЖОНЛИ ВУЖУД, БАҒРЫН ЕКАДИ
ҚҰЛЫ СИНІБ ЕТГАН ТИЛСИЗ ҚҰГИРЧОҚ.
ГОХ АЛАМ, ГОХИДА ЧЕКСИЗ ШОДЛИКЛАР,
БАЛКИ УМРЛАРНИҢ ГУВОХИ БУ УЙ.
ҒАЛВИР БАДАНИДА ХОТИРА САҚЛАР,
ХОТИРАГА ШҮНГИБ СУРГАН КАБИ УЙ.

ЗАБОНСИЗ ШУ ТОШЛАР, БАЛКИ, НЕЧА БОР
ТИНГЛАГАН ТҮГЕ, БАЗМ, ДҮСТЛАР САСИНІ.
БАЛКИ ҚАТЛАРИДА ПИНХОН АРДОҚЛАР
ЮМШОҚ ИҮРГАКЛАРНИҢ ХУШБҮЙ ИСИНИ.

МЕХНАТ, УМР БАРИ, МУХАББАТ БАРИ,
ДЕВОРДА ПАНЖАЛАР ИЗИ — СИРЛІ ХАТ.
НАХОТ ШУНЧА ҚАТТИҚ ТАБИАТ ҚАХРИ,
НАХОТКИ ИЛОЖ ИҮҚ БИР ЧОРА ҚАХАТ.

ФИКРДАН, ҲИСЛАРДАН УВИШГАН ЮРАК
ЖАВОБ ТОПТАН КАБИ ЕРИШДИ БИРДАН.
АХИР ОДАМ ОМОН, ОДАМЛАР ТИРИК,
АНА УТМОҚДАЛАР ШОШИЛИНЧ, БАРДАМ.

* * *

ИТЛАР УВИЛЛАЯДИ, МУШУКЛАР НОТИНЧ,
ШАРПАЛАР ГАЛАТИ; СИРЛИ ВА СОВҮҚ,
ҚУНОҚДА ЕТОЛМАЙ ПИТИРЛАР ТОВҮҚ.
НЕНИ БОШЛАВ КЕЛАР БУ ОҚШОМ, БУ КЕЧ.

ОНА ЕР, АЗИЗ ЕР, ДАРДИНГИ ОЛАЙ,
ҚАЕРИНГ СИЛАСАМ ТИНЧЛАНАР ЖОНИНГ.
ҚАЕРДА КУПИРМИШ АСАБИН, ҚОННИНГ,
АЙТЧИ, ҚАЕРНИНГ ҚҰЛОГИМ СОЛАЙ.

ГУДАКЛАР КУЗИНИНГ ҚОРАЧУГИДАН
КОШКИЯДИ СҮГҮРІВ ОЛСАМ КҮРКУВНИ.
ҚАЙТАРИБ ТИНЧ ТҮННИ, ШИРИН ҮЙҚУНЫ
БАХТ БҮЛІБ ПОРЛАСАМ ЙОЛДУЗ ЧҮГИДА.

ИТЛАР УВИЛЛАЯДИ, МУШУКЛАР НОТИНЧ,
ШАРПАЛАР ГАЛАТИ; СИРЛИ ВА СОВҮҚ,
ҚУНОҚДА ЕТОЛМАЙ ПИТИРЛАР ТОВҮҚ,
НЕНИ БОШЛАВ КЕЛАР БУ ОҚШОМ, БУ КЕЧ.

* * *

МАШИНАЛАР ФИЗ-ФИЗ УТАР ЕНИМДАН,
БОРТИДА ӘЗҮВЛАР: МОСКВА — ТОШКЕНТ.
ТОШКЕНГА БЕЛОРУС, УКРАИНДАН,
ШОФЕРЛАР СЕРТАШВИЦ, ШОФЕРЛАР ШОШГАН.

ХАММАСИ АРДОҚЛЫ ЖИГАРИМ МИСОЛ,
МИНННДАР НАЗАРИМ НЕТАР ЭРГАШИ.
ҚАЛЬБИМ БУ ҚИБАТ ҚАРШИСИДА ЛОЛ,
МАШИНАЛАР УТАР ЕНИМДАН ШОШИБ.

* * *

БИРОВНИНГ ТИЛИДАН СҮЗЛОВЧИЛАР КУП,
МАЖЛISДАГИ ТАКЛIF НҮТКИНИ ҲАТТО.
БУЛАРНИНГ БИЛГАНИ, УРГАНГАНИ: ХУП,
ҚҰЛБОЛА ТҮТИЛАР БИРОН КАТТАГА.

МИНГ ШУКУР, ЯХШИО ӘМОН СҮЗЛАРИМ,
ЮТҮК-ЯНГЛИШЛАРИМ МЕНИКИ ҒАҚАТ.
ЖОВДИРАБ БОКМАДИМ ҮЗГА ҚҰЗЛАРГА,
БҮЙРУК, МАМАНЛИККА ИҮҚ МЕНДА ТОҚАТ.

ЧУЧМАЛ СҮЗГА САХИЯ ЭМАСМАН ҮНЧА,
ШИРИН ЭШИТИЛМАС ҲАР БИР ТҮГРИ ГАП.
СЕВИБ, КОИИГАНИМ, СҮККАНИМ ҮЧИН
ТОРТГАН АЗОВИМГА БИР ҮЗИМ САБАВ.

* * *

ЕЗ ТУНИ БИР ТУТАМ, ҲОРИБ ИССИҚДАН
УНИНГ ОҒУШИДА ИСТАСАМ ОРОМ,
ЙОЛДУЗЛАР КУЗ ҚИСИБ, ИМЛАШИБ ҚАСДДАН
ХАЭЛ-ХОТИРАГА ЭТАДИЛАР РОМ.

ТИНЧЛИГУ ҮЙҚУМНИ ОҚШОМ ЕЛИНИГ
БЕКҮННІМ ҚАНОТИ ОЛАДИ ИЛИБ.
БАРГУ БУТОҚЛАРДАН КЕТМАЛДИ ЯНА
БЕХУШ СҮВРАТИМНИ ТОМОША ҚИЛИБ.

ТОГУ ДАРАЛАРДАН, ЙОРТУ ЭЛЛАРДАН
СҮНГ СҮДРАБ, КУТАРИБ УТАР БЕШАФҚАТ.
ЧИЛ-ЧИЛ ВУЖДИМНИ ОТАШ ХАЭЛДАН
ТОНГ ЧОГИ ЮЛҚИЛАС ОЛАМАН ҒАҚАТ.

ҚУЗИМ ИЛИНГАНДА ОФТОБ БАЛҚИЯДИ,
КОИНОТ БАГРИГА ТУЛАДИ ШОВКИН.
ҮРНИМДАН ТУРАМАН, МИЯМ ҚАЛҚИЯДИ,
БИЛМАМ, ҚАЕРЛАРДА НЕЗАР ЭНДИ ТУН.

САТРЛАРНИ АСТА КҮЧИРИБ ОҚҚА
ҮҚИММАН ГОХ ХУРСАНД, ХИТ БҮЛІБ ГОХИ,
ҚУЕШ ҲАМ ОҚШОМНИ ҚУВИБ НИРОҚЦА
НУР БИЛАН БЕЗАЙДИ ОЛАМ НИГОХИН.

САХНАМИЗ АЯСИ

Севимли аямизнинг етмиш иллігіни нишонладай деб турнабыз. Қырқ Ынддан ортигирақ ижодий меҳнатта яқун ясалыпты. Аям яна беш баҳо оладилар. Буниша шубҳа ийкү. Лутфихон ая ҳали ҳеч қайси синовдан кам баҳо олмаган. Бу баҳонда аяга салъат мухлиси, халқ қўяди. Шу сабабли бу баҳолар аямиз учун жуда қўмматли.

Шу кунлар Лутфихонимнинг қувончи ичига сенмайди. Яқиндагина партия ва ҳукуматимиз у кишининг ўзбек санъатини равнақ топтиришдаги сербарақка ҳизматларини тақдирлаб, Лутфихоним Саримсоғозага ССРР ҳалқ артисти фахрый узвонини берди. Бу олий салъат узвони аянинг белига қувват, кўзига нур, дилига қувон, тетик кайфият баҳш этди. Аяд манзур бўларли янги-янги образлар яратиш иштиёқи мавжуд.

Бундай шараф, бундай шуҳратта мусассар бўлгунча озмунча сермашақтади ийл босиб ўтмади ай! Инцилоб нур сочиб, бу нурдан етим-есирлар, чорикор-бечоралар баҳраманд бўлгунча не-не балоларга гирифтор бўлди.



Р. Мессесер «Иккичи хотин»
фильмидаги Адолат ролидаги

АЁЛЛАРИМИЗ
КИНОЛАВҲАЛАРДА



мади ая! Кишилар эшигига сарсонлик, ҳали поччао, ҳали янгаларга ёқин пайда туны күн қилинган меҳнат, уйқусиз ўтказилган кечалар... Буларнинг ҳаммасини ўтмиш ўзи билан олиб кетди. Янги нурағишон ҳаёт, озод дунё аяга ҳам ҳурлини, тенглик, бахт-саодат ато этди.

«...Дарахтлар меваларини шарбатга қондирин, куз билан хайрлашгани сингари, 1934 йил хазон фаслида Фаргона театри

ҳам артистларнга етуклик бағишилаб, айримларни пойтахт қучогига узатди. Ана шундай шарафга мусяссар бўлгандар қаторида Лутфихоним ҳам Тошкентдаги ягона музикали драма театрининг ижодий сафига келиб қўшилди.

Андикон, Фаргона, Ўқон, Марғилон саҳналарида намоён қилинган улуг меҳнатларнинг сарасари эди бу. Ая 1926 йилдаёт чинакам саҳнада, саннат муҳлиси қаршисига чиқиб, сак-

киз йил улкан тажриба орттирган эди. Ҳали севги қурбони бўлган Лайли ва Ширин, ҳали ёлғиз жиёни Аскарнинг майлини топиш иштиқёдаги Жаҳон хола, ҳали баҳт қушини излаб юрган Зебо ролларини икро этиб, таҳсина сазовор бўлган эди.

Тошкент саҳнасида яратган бир-бирiga тамомила чап икки образ — Ойсара билан Есуман аянни санъат усталари қаторига олиб чиқди, унга санъат даргоҳининг тўридан жой берди.

Ойсара ўз жигарбандининг баҳтини тиловчи, унинг ёргулника, озодликка чиқишини орзу қилиб, муқаддас орзусига етолмай заҳарли ҳаёт қурбони бўлган оналарнинг нодир образи бўлса, Есуман ўз манбаати йўлида ҳар қандай қабиҳликдан тоймайдиган маккор кампир образи эди. Бир вақтнинг ўзида икки образ устида иш олиб бориши санъаткордан жуда катта истеъод, қунт, изланни талаబ қиласиди. Лутфихоним бунинг уддасидан чиқди. Уддасидан чиқидигина эмас, қойил қилди ҳам.

Мазкур асарлар 1937 йили Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиётни ва санъатни ўн кунлигидаги муҳташам пойтахт томошабинлари қаршисида намойиш қилинди, артисткага шон-шуҳрат баҳш этид. Бу тўрида баландпавоз гаплар ахтариб юргунча фактларга мурожаат қилган маъқулор:

«Ҳалима Носирова, Тамарахоним ва Лутфи Саримсоқовларнинг мұваффақияти большевиклар галабаси, паранжидан озод бўлган ўзбек хотин-қизла-

рийнинг тантанасидир» («Правда», 1937 йил 26 май).

«Гулсаранинг онаси ролини ижро этган Лутфи Саримсоқова катта драматик санъатга эга эканлигини намойиш қилди»—деб ёзди «Известия» газетаси 1937 йилги 21 май сониди.

Хукумат мукофотлари, дўстлар мадҳисли, ҳали олдиши, дил тўлини бир бўлиб орденли артисткани янги-янги ғалабалар сарни чорлади.

Лутфихонимда уни улуғлашга бонс бўлладиган хислатлардан бирни шуки, у облости театрларида ҳам, республика саҳнада ҳам, кинокамера қаршисинида ҳам бошловчи қадироч талантлардан бирни бўлди.

Саҳна Лутфихонимни Иттифоқ санъат муҳлислирига ташитган бўлса, экран аянни жаҳон миқёсига олиб чиқди. «Қасам», «Сен етим эмассан», «Насриддин Бухорода», «Фарзандлар», «Маҳаллада дув-дув гап» кинофильмларининг мұваффақияти чиқишида аяннинг ҳам салмоқни улуши бор. Бу фильмлар жаҳон экранларини айланниб, миллионлаб томошабинлар қалбига жо бўлди.

Лутфихоним артистгина эмас, фаол жамоатчи, ташкилотчи ва маслаҳатчи ҳамдир. У спектаклдан бўш вақтларини омма орасида ўтказади. Ҳаваскорлар, ишчи-хизматчилар, студентлар, маҳалла аҳолиси—хуллас, ҳамма ядан чекис миннандор. У ишни доим ҳали орасида санъатини намойиш қиласиди, ҳали санъатини ўрганади ва уни ёяди.

Улкан санъаткор Лутфихон аямизининг күтлуг ёши ва юксак унвони муборак бўлсан!

Асрлар оша ёр эъзозланди, аммо у ижтимоий-сийесий ҳаётдан четда қолди. Инсоннинг қўшилган қўшилган қўшиллар ўқилди, аммо ўзи күн юзини қўрмади. Қўйщек азиз, ҳасдек оқиз бу аёл шаънгига ҳали мунгли қўшиллар тўқиди:

Шафтоли шохи ларzon,
Фаргонада қиз арзон,
Баҳосинин сўрасанг,
Қалами нўйлак, бўз иштон.

Улуг Октябрнинг баланд қилиди. Санъатнинг лиғи турни — ўзбек киноси ҳам ҳаётга йўлланма олди. Киносанъатимиз ўз фазилатлари билан социал ҳаётга ҳамоҳанг бўлди: сийесий-гоявий кураги ҳажбасидан зарбор қурол сифатида хизмат қилиди, жумладан, ўзбек хотин-қизлари турмушни ёриттида фаол қатнашиди, упарнинг қўбилиятларини, санъаткорона эктиросларини намойиш қилишиларига тўла имкон берди.

Ўрга Оснёда биринчи бор суратга олинган «Мусулмон қизи» бадий фильммини қатнашчиси Ольга Третьякова бундай деб ёзган эди: «Советский экран» журналининг 1925 йил сонтаридан биррида: «Мен ўз ролимда мусулмон қиздек севининши, ач-

чиғланишни, қулишни, йиги аралаш кулимирашни, кўз ёши тўкишини истардим. Иккни ҳафта давомида хотин-қизлар бўлниши бошлиги билан биргалинда мусулмон аёлларининг ичкари уйларида бўлдим, турмуш, уроф-одатлари, онларни ҳаётлари билан танишдим».

Дастлабки йиллари маҳаллий кинокондлар бўлмаганинни сабабли рус кино наимонидалари кўмак қўйини чўздишар, рус киноартистларни ўзбек аёлларининг экран образларини аратишга интилдишар. «Мусулмон қизи» фильмни бадий замф бўлсади, ҳалкингиз ҳаётини биринчи марта экрандан кўрсатди. Бу ҳол маҳаллий аҳоли ўртасида бўр қизиқиши ўйготди.

1926 йили ўзбек давлат киноси ташкил этилди. Киностудия «Бахт қуши» фильмини экранга чиқарди. Киноленталарда ер-сув ислоҳоти ҳаётларни муҳрланди. Фильмда ўзбек аҳоли қисмати ҳам акс этид. Ундаги Жамила ролини Малинахоним Жаъфарова ўйнаган эди.

Экранда кетма-кет «Иккинчи хотин», «Чачвон», «Соялон арава» бадий фильмлари пайдо бўлди.

«Иккинчи хотин» фильмидан бир кўринишни заслайлик: Адолат бола-

сини олиб зериникидан ўйига қайтади. У ўёллиги ўтган боққа, ишкомзорларга боқиб тўйишига улгурмаган ҳам эди, золим эри Тоқибий келиб қолади. Адолатининг ота-онаси ноҷор, чурқ етолмайди. Тоқибий Адолатни калтаклаб олиб кетади. Кетта анхор сувлари тошқин, кўпир-байхонириб оимкоқда. Она табнат ўйлагар. Ҳайхот, Адолат зулмат итре тутқун. Ҳеч кимнинг раҳми келмас унга. Аламзода қалнинг мунгли қўшиги юранка урилади.

Адолат ролига москвалик киноартистка Раиса Месссер тақлиф этилган эди. У фронтдан кайтибоқ, жигарпораси Мая (Плисецкаяни қолдириб, ўзбекистонни келади, янги фильмларда қатнашиб, киносъязатни равнақити ҳисса қўшади.

«Соялон арава» фильмни қардош қирғизлар ҳаётидан олинган. Ундаги асосий қаҳрамонлардан бирни Ойнеком ролидан ўн уш юш Ойша Туманбековини кўрамиз.

«Алайё қизи» фильмининг тиги хурофотга қараттилди. Унда ўзбек санъаткорлари С. Жўхаев, Р. Тўрахўйев билан бирга киноартистка Зулфия Шокирова ҳам қатнашиди. Шокирова ижросидаги Ҳаинма — фожнавий образ. Ижрочи қаҳрамон-



«Бахт қуши» фильмидан кадр. М. Жаъфарова Жамила ролидан.

(Охири 8-бетда).

— Сиз күп миллионлы Туркистон шайлоғаның музаллимлардидириз. Сиз ана шу йүксларни уйғота оласыз. Сиз ана шу йүксларниң илорда оғылған авангарди бүліб келдінгиз. Сиз Туркестоннинг барча пролетарият таңдаридаги мухим масалаларни ҳал қылмок үчүн тұлаптаңдигиз. Барча қоштарни зәлдіган синифиң қоронгуликтан ёргулықка олған чындықтада коммунизмнің Қызыл байроби атрофига тұлаптыңыз...
—

Бу оташын сүйзларни ажайиб нотиң, соңың большевик Низомиддин Хұжавен РКП(б) мусулман ташкынлатарининг II ўлка конференцияси минбарида айтганы дә. Бу, 48 йил бурун айттыланған сүйзлардир.

Низомиддин Хўжаев, ўз таъкидлаганидек, «узоқ ва машинашатни кураш йўлни босиб ўтган» большевик. У асrimizing бошида рус-тужем мактабини тамомлагач, Тошкентдаги Ильни босмахонасида ҳарф тेरувчи бўлиб ишлади. Бу ерда илорз рус ишчилари кўмагидаги марксизм алифбоси билан таниши 1904 йили Хўжаев ўзбеклардан биринчи бўлиб Россия социал-демократик ишчилар партияси сафига кирди. У партияни йигитларида қатниашди, партияний варагалар босиб таркатди.

1905 йылғы «Көнли якшандыба» воқеалари бутун Россиянын тарзага көлтирганда Туркистандың никилобчилари ҳам қараб туришмади. 12 январь күни Низомиддин Ҳұжәев Тошкент зияндарынан сабактаулық мемлекеттегі орталық банккенде нүткес сыйлады.



Низомиддин Ҳўжаев (чапда) Хоразмга Жўнаидхон исёнини бостириш учун кетаётган пайти. Бу расм 1924 йил март ойида олинган.

ЎЛМАС ЛОЧИН

ишчиларга большевиклар ғоясипи сингдиришга ҳаракат қылди. Ұша маңал Тошкент матбаачилари забастовкасыда қатнашды, большевикларның яширип босмахонасига ҳарф еткаби бергі.

На таъқиблар, на жазолар Низомиддиннинг иродасини бука олди. У Ильин босмахонасида 1914 йилгача ишлади, пироваридла бу «ҳафғли одам» иш-

дан ҳайдалди. Иш қидириб Наманган шаҳрига келди ва бу ерда. Нуруллабой босмахонасига жойлаши.

Орадан кўл ўтмай Низомид-

ОКТЯБРЬ СОЛНОМАСИ



Режиссёр В. Усова
Шутида

нинг руҳий ҳолати ва кечинмалари-
га этиборни жалб эта билди, бу
йўлда жиддий муввафқиятларга
эришид. Зулфия Шокированинг ўзига
хос ижрочилик санъати садҳа юлду-
зи. Нурхонин эслатади десак мубо-
лаги бўлмас.

Шандылай ийллар әди. Матбуот са-
хифаларида машүүн хабарлар бо-
силүү турарды. Чуюончи, 1930 йыл
8 марта хотин-кызлар Ыргининде
сүгүт чиқкани учун самарқандик
жамоаты Шафояттой вахшийчарка
үлдүрүлгөн әди. Уни дафт этиш, қо-
тил өрнине судлаш маросимлари ки-
нинойланаңыра ҳам тушиди.

— Бутун ўзбек киноси янги ҳаётнинг мустаҳкамланиши учун курашда партнериизнинг жонговар ёрдамчиси бўлишга интилди,— деган эди отоқли кинорежиссер Комил йўлмадиганни.

Узбек кино санъати равнинада кенса кино на **намонидандаридан** бирли Б. И. Усоловинг хам зхисмати катта. У 1921—26 йиллари **республика** хаалц маорифи комиссарлиги қошибди гиши-гено-фото бўйимидаги монтажчи булиб, 1926—32 йилларда эса, «Узбеккино» студиясида ишлади. 1933 йили кинохроника студиясида ишга ўтди. Кейинги йилларда у режиссёр өрдамчлиси, режиссёр-монтажчи сифатида «Совет Узбекистон», «Совет Киргизистон», «Узбекистон ўй беш

«Иллиги» каби тұламетражли фильмдарни ба бир неча киножурналларни құлдан чықарды. 1948—60 йиллар мобайнида режиссёр В. Усова «Унлаб хужжатты фильмлар ишлади.

Ўзбек киносанъятининг бой намуналари бор. Ўлар ҳалқининг кундалик ҳаётини бадиий талқин қылганлиги, томошабин фикрини тұлғынлантирганлығы билан мароқли.

«Тожикон» билан учрашувни олнинг. Бу фильмда Тожиконнинг ҳаётин ўз сийддатлари билан кўрсатилар экан, унинг заминидаги чукур гоя ётадиги киноочеркни яхлитлиги ва бирлингина таъминловчи асосин лей-мотив — коммунистик эътиқод тантасини кўрсатишдан иборат. Ана шу гоя ҳаётин қайд қилиган кинонадрларда ўз мантирий ва бадиий ифодасини топган. Уттиз бир йил мунгаддам республикамига келган чек изувчиси Юлиус Фучик Тожикон Шодденванинг «ҳаёт тарихидаги ўзбек аёли босиб ўтган бутуни йўл ётапни» — леб. ёзган эти.

— деб сизләнди.

Узбек кинохуҗялчиларни кейинги иккиси йилининг ўзида турли кинофестивалларда ўйдан ортига фахрий диплом олдилар.

Эндидликда киносанъатимиз жаҳон экраниларини кенг коллаб бормоқда. «Сен етим эмассан», «Осиё устида бўрон», «Улугбек юлдузи» фильмлари бунга энг яхши ишорадир.

дин Хұжава Тошкентта қайтды, мәхнатқашларнан 1916 йыл күзғолонинде уюштирилді бошқыш болды. Лекин у ҳали сиёсий жиһадатда тобланмаган эди. Ҳатолаларга ҳам йўл қўйди. Чунончи, у РСДРПнинг аъзоси булиши билан бирга, «Турон» ташкилотига ҳам аъзо эди.

Шунга қарамай, унинг ишчи-
лар синфи манфаатларидан бў-
лак манфаати йўқ эди. У пар-
тимизменинг 1917 йил февраль
ва октябрь ойлари срасида олиб
борган кўп қиррали ишларида
яна ҳам танилди, ўлкада ишқи-
лоб галабасини таъминлашга
муносиб ҳисса кўшиди.

Низомиддин Хўжаевнинг ин-
циллобий фаолиги. Октябрь кун-
ларида тұла күч билан намоё
бўлди. Кейинча «Туркистан га-
зетаси» бундай деб ёзди: «Ма-
халлар инциллобчиларнинг бош-
ликларидан бири ва энг кекаси
сабиқ матбаа ишчиларидан
Низомиддин Хўжаев эди. У
ҳамма кўча жангларида ва ян-
варъ воқеасинда ўзини кўрсат-
ди».

Тошкент меҳнаткашларининг куролли қўзғолонида, генерал Коровиченковнинг жазо отрядига қарши баррикада жангларни Низомиддин Хўжаевнинг қўлидан қурод тушмади.

Хаётнинг ўзи уни Ленин йўлидан боришига ўргатди. Ни-

(давоми 24 бетда).

«Сен етим эмассан» фильмі атоқ-сахна уастасы, ўттис Ыллік киартист Лутфихоним Сарымкоеваң ижодий фолијигында янги бос-бүйді. Изырко санъатининг фаг-үзига хос жилюсига тарихи ҳа-зақат бор: Лутфихоним уруш ийилла-етим норасидалардан бирини бағытта болсанға унга ҳәйт ўйлалманы берган, қўйнингчи орзу-хавасини м кўрган. Кўпайлилик тақрибра, устақ үстак, ҳәйттый материал аяга дайди, кўп келди. Онанин чукур ке-нмалари, дард-алмалари, ҳәйт қис-пари йирик плаңда кўрсатилилган власида, милитлаган кўз ёшлана-да, сўзсиз тасвирларидаги шундук тибб турбиди.

Севимли адидимиз Абдулла Ках-
онинг «Синчалак» кисаси кимни
тилонлантирауди дейсиз! Уни эк-
тилига кўчирища ССРУ хац-
тисти С. Эшпонтураева, артистка
Тожибова ва Т. Назаровларнинг
мюнодий хизмати катта. Уларнинг
бронилиги фильмга «жон» кирит-
тишини мурдабол.

фильми мальшавий бойитди.
Киносанъатимиз камол топяпти,
а ҳам камол топади. Экраннимиз
дузлари миллионларча қалбларни
мехри билан иситаберсиз, саодали-
нини яйраб-яшинаб куйлайберсиз!

**Борий ҲАСАНОВ,
санъатшунос.**

Бола алла лаб...

Боласининг ороми учун тун уйқусини тўрт бўлган она баҳор қўшларининг «чаҳ-чаҳ» билан роҳат уйқусидан уйғонди. Кўзини оча солиб, баъзиб ётган боласига қаради. Кўз ёргулгининг юмшоқ уйқуси ва уйқусидаги кулагуси она утун жаҳон кўзгусидай туюлди...

Онасининг иси димогига кирдими, бола она томонга ўнгарилди, Шу чорда қўзининг елкасига астагина қоюб:

Киядан чиқсан қирқ юлдуз
Киялаб кетди ботгани,
Алла болам, алла.
Овунчигоммининг туриши
Айни тонглар отгани,
Алла жоним, алла.
Тол ичидан танлаб олган
Толчаконим, алла,
Жоним болам, алла,
Гул ичидан искаబ олган
Гули раҳоним, алла.

Ой юзингдан ўргулай,
Ой бўлиб ётган болам, алла.
Оқ пахтадай озода
Паркувга ботган болам, алла.
Алла тўклим, алла.
Сув нелади селобдан,
Чўмилишинг гулобдан, алла.
Улгайшинг, ўсишинг
Багримдаги офтобдан, алла.
Алла, кўзим, алла.

Кўнраги марҳамат, шафқатга тўлган она биринчи «ингга»сидаёй умид-орзулар дарёсига шўғигиди. Шу ондан бошлап онада дунёдаги сўзликларга нисхояни ўйк мұҳаббат тутгилиди. Евузликтарга қарши қалбиди ҳалигача кўрнимаган газаб-нафрят пайдо бўлади.

Бола ҳам унинг кулагу кучогига отлиғида «Она!» деган биринчи сўзини айтиб, муборак офтобнинг багрида исинади, яйрайди...

Она ўз мөрх ва мұҳаббати нури билан болага қалб берган, севги баҳш этган. Унинг ҳузур-ҳаловат олиб келувчи тонг-саҳарлардаги алласи руҳий лаззат булогини очиб юборди. Ву илиқ қўшиқ умрбод одамии қўшик-шевъирията мафтии қилип қўйди.

Ўзи ибрат бўлишига интилиб ота-она ҳақиқат, адолатта вётиром билан қарашга, разиллик, тубандикдан ҳазар этишига ўргатди.

Асл инсонлар ништитаги эзгулик, юранлардаги олижаноблик, ахлоқдаги поизаликин ва ниҳоят баҳтидаги кўрниамик ҳаммаси ота-онадан.

Мана шу сифатларга ага бўлган ота-оналар мұҳаббат билан тарбиялаганда фарзанднинг заҳматкаш, мард, халқ учун фойдали киши бўлишини истайди. Ву орзу ҳам алла қўшигига балқинди:

Айналайн қарогим, алла.
Ённиб турган ҷарогим, алла.
Дўстим кўрса ярашиб,
Алла, асрлоним, алла.
Душманларга яргим,
Алла, полвоним, алла,

Чопингданда бўридай, алла,
Бўриларинг зўридай, алла.
Ингит бўлар чирогим,
Узи эрнинг эридан.
Алла, полвоним, алла,
Жоним асрлоним, алла.

Дарё ва қиз... Бу ҳақда озмунча қўшиқлар тўқилганими.. Ҳамид Олимжонининг шеърларини ўқиганимиз? Уларда сув ва сулув, дарё кечаси, енгил бир шарпа, ёқимли табассусу жуда шонронга тасвирланган. Биз ана шу сатрларни яна бир тақрорлаб, ушбу расмiga «Сув ва сулув» деб уйон қўйдик.

А. Тўраев фотоэзди.

Ўзинг арслон билаклим,
Ботир қоплон юраклим, алла.
Яхши, ёмон кунларда
Жуда-жуда кераклим,
Юзимнинг ёргули, алла.
Айналайин болам-эй,
Айналасин сендан онанг-эй,
Яхши, ёмон куннингда
Яхшилар бўлсин пананг-эй.
Алла, болам, алла,
Ширин сўзим алла.
Синли-синни синбатлим,

Қора шердай ҳайбатлим,
Кучда арслон келбатлим,
Паҳлавондай савлатлим,
Алла, болам, алла,
Паҳлавоним, алла.
Айлансининг айвони бор,
Томга чиңса нарвони бор, алла,
Ўйқуси келса алласи бор,
Қорни очса маммаси бор, алла,
Аллам томдан ошади,
Ен-атроф тинглашади, алла.
«Ором олсин болам» деб,
Қош, киприк беллашади,
Алла ширин кўзичноқ, алла.

Ўтмишда хотинларнинг кўргиллиги қаттиқ бўлган. Боласи учун ҳар ҳандай азобларга бардош берган оналар кўнглида борини — шуду ҳурамлики, қайгу, ҳасратларни аллаға қўшган. Бу қўшиқларда умид, ишончлар ҳам ифодаланган:

Этак чўлдан келаман,
Бедов отни елеман, алла.
Болам золим зулминга
Бир сени деб кўнаман,
Кўзим, алла, жоним, алла.
Кизил гулни гул демасам,

Фунчасини дегим йўқ, алла.
Сен боламни демасам,
Бу жойларда юргим йўн,
Енган жоним, алла,
Алла, болам, алла.

Кундошлилк азоби, бевафолик, мунтазирлик аллада айтилган:

Шу ердан ёр ўтдими,
Нолам ёримга етдими, алла.
Кўз ёшим дарё бўлиб,

Ерим йўлни тутдими,
Алла дейин, алла,
Оппоқ болам, алла.

Руҳий соглом, маънавий лаззатлардан баҳра олувчи оналар фазат ўзининг фараанди эмас, бошқарларга ҳам қаттиқ шамолни раво кўрмай, бахт-саодатли бўлишларни истайди:

Қўзи боқсан кўй этсин,
Топганига тўй этсин, алла,
Тўй-тўйларга улансан,

Барча бирдай қувансин.
Алла эрким, алла,
Кўзим нури, алла.

Олмалик шахрида турувчи Чиннигул Холигитовадан ёзиб олингаг алла да онанинг мамнилиги, яхши орзулари ифодаланган:

Алла болам, кўзичноқ,
Овунчонларим, алла,
Қараб турган қароқларим,

Ёниб турган чироқларим.
Алла дейин сизларни, алла,
Сиздай қора кўзларни, алла.

Алла билан руҳ ёзилади, ҳасрат тарқалади, шодлик, умид нур сочиб иситади.

Фараанд тугилмасданоқ пайдо бўлган қуёш нуридан беўлчов она мұҳаббати болани вояга етказишдаги меҳнатига куч багишлаб турди.

Мена шу меҳнат онани қуёш мартағасига етказади.

Алла жоним, алла,
Офтоб юзим, алла.
Алла, болам, алла,

Сўзлар сўзим, алла,
Алла-ё, алла!



ДОСТОНГА ЁЗ

Кел, мұхаббат газзатин
Тәгриф этиб достонга ёз,
Түрфа гүллардан тикиб,
Хар байтін ҳастонға ёз.

Севги назміга жақоңнің
Гүлстонғы етмағай,
Нур қалам бирлан мұхаббат—
Шархұни осмонға ёз.

Лолагул айлаб яна
Магриб ва машарқ үфкінін,
Бир газал васыла бақшы эт,
Бир газал қыржонға ёз.

Тәгрифи шиік дардидан
Әтегін үюрек қонин сиёх,
Дилга ёз дилбар сўзин,
Жонон сўзини жонға ёз.

Дардни сен ҳар кимга айтіб
Оху фаред этма кўй,
Қўйса жончине, жонажонинг,
Шавқи жон жононға ёз.

Баҳрасиз олдуда, Эркин,
Очма қўйнгил дафтарин,
Неки ёзсанг дил сўзини
Англаган инсонга ёз.

ХАЁЛ

Кечалар кипклирамидан
Тарки хоб айлар хаёл.
Үз ҳәйтимдан ёзимга
Сархисоб айлар хаёл.

Қисса айтар мозидан гоҳ,
Эртадан ағсона гоҳ,
Гоҳ савол айлар кўнгилга,
Гоҳ жавоб айлар хаёл.

Қўйда сузган ойни кўзга
Бир кишик фонус этиб,
Пиртираб ёнгувчи шамни
Моҳи тоб айлар хаёл.

Май тўла жом ишга тўғон —
Мавжими пайдо қўлур,
Тонг шафак, алвонни
Гулгун шароб айлар хаёл.

Минг асрлар кори ҳолин
Қилған уй бори сия,

Лаҳзанинг маъмурини

Минг бир китоб айлар хаёл.

Неки забт этмиш шуур
Боис ҳаёл ғлоса не тонг,
Дилга парвоз айла деб
Мангу хитоб айлар хаёл.

Шу шитоб асрим ҳаёлан
Этдиму тезликни баҳш,



ЁШЛИК ДЕВОНІДАН

Эркин
Воҳидов

Ғазаллар

Ким қўйибдур севгини
Қадди букилган чол учун.

Ер истигносидан ўлмасману
Қўйдим ва лек —
Лобарим олдида назмим
Бу қадар беҳол учун.

Билмадим, асримни олга
Е шитоб айлар хаёл.

Бор экан инсон қўйлида
Орзу ёққан чароқ,
Бу ҷароқни, ўйла, бир кун
Офтоб айлар хаёл.

Мен ҳаёлни шеърга солдим,
Ўйлараст бўлма ва лек,
Бесамар бўлса сени
Бир кун ҳароб айлар хаёл.

Бўлгун, Эркин, ҳар нафас
Эзгу ҳаёлга ошино,
Пок эса ништ, сени
Олижаноб айлар хаёл.

Қочма ростегўй дўстларинингиз
Коҳиши озоридан,
Қадди рост шамони тилидан
Ўрганур парвона ҳам.

Дўст қидир, дўст топ жаҳонда,
Дўст юз минг бўлса оз,
Кўп эрур бисер душман,
Бўлса у бир дона ҳам.

Ким сенга ҳамроҳ эмасдур,
Бегарас деб ўйлана,
Гоҳи душманлик қулилар
Кўл сиқиб дўстона ҳам.

Дўсти содиқ йўқ экан деб
Ўрганиб ёнма ва лек,
Мехр ўйни кене онсан, Эркин,
Дўст бўйлур бегона ҳам.

ХОФИЗГА

Минг Самарқанду Бухорони
Берардим хол учун,
Лек нигоримди ҳавас йўқ
Муъку давлат, мол учун.

Сенга юлдузли самони
Ҳадъ айларман, десам,
Нозланиб, ўлдимми, дёйди
Бу чўтир рўймол учун.

Гар ҳилодан сирга тақмоқ —
Йистасам, айтур санам:
Зормийдим жэздол ясалган
Ҳайдал атмод учун.

Ул париваш чөхрасини
Ойга этгандим қиёс,
Бир умр ўзр айтадорман
Бу като тимсол учун.

Ҳажрда қадимини дол —
Этдинг, десам, бергай жавоб:

Қўниб гул ўзра булбул
Ишқ китобини вароқладбур,
Юмук тонг қўзлари
Ўтлақ навосидан чароқладбур.

Паридек нозу истигно этиб
Тонг лола рўхсорин —
Ювуб шабном билан,
Бир томчи шабнамедек
яркоқладбур.

Шафак қўзлусида
Ўз ҳуснига ошиқ бўйиб боқмииш
Ва тогларни тароқ айлаб,
Соши заррин тароқладбур.

Париваш юзи жабридан
Қўзим арз айласа тонгга,
У ҳам кўзим қаролаб,
Ул пари юзини оқлабдур.

Фироқида кўшиб дерман,
У қаиси сирли қудратким,
Уни менең яқин айлаб,
Мени үндан юроқладбур.

Ажаб, тонг хобида Эркин
Қўрибдур ёрни, э воҳ,
Кўз очса ёри әйж,
Иккى қўли ёстиқ қуҷоқладбур.

Озод Шарафиддинов

ШУҲРАТИ ОЛАМГА ДОСТОН...


LEXIKON

Der Welt Literatur

von den Klassikern bis zur Gegenwart

Ярим асрлар тарихини кўз-кўз қиласетган ўзек совет адабиёті ҳам бой тараққиет йўлини босиб ўтди. У ҳали билан яшди, бирга одим отиб, унинг курашидан, меҳнатидан илхомланди, унга хизмат қилиб вояж етди. Ярим аср давомидида үзбек адабиёт сифатида шуҳрат топди. Унинг реализмни, ҳақонийлиги адабиётимизни фақат Иттифоқидагина эмас, жаҳоннинг кўпигина мамлакатларида ҳам машҳур киради. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда чет элларда үзбек адабиёті ҳақида мароқли мақолалар чиқиб турибди. Үзбек адабиётининг ҳалиларо шуҳрати тобора ортиб бораётганини ўтган ийли Лейпцигда нашр этилган «Жаҳон адабиёті лугати» деган китоб мисолида ҳам кўриш мумин. Бу энциклопедик лугатни Лейпцигдаги Библиография институттада профессор Герхард Штейнер бошлиқ 102 кишилик илмий ходимлар колективи нашр-

га тайёрлаган. Унда қадимги даврдан ҳозирги кунгача яшаган ва яшайдиган 1600 ёзувчи ҳақида биографик ва библиографик маълумотлар берилди. Лугатда фақат ёзувчиларга эмас, муаллифлари номаълум бўлган асарларга, хусусан, ҳали эпосининг машҳур намуналарига ҳам кенг ўрин берилган. Энг мухими шундаки, лугат муаллифлари Европанинг жаҳон адабиётига муносабатидаги эски анъаналардан чекини, биринчи марта шуаро, Осиб, Африка, Жанубий Америка адабиётларини ҳам имкони боричча тўла қамраб олишга интилишган, Лугатнинг яна бир фазилати, ёзувчилар ҳақида куруқ маълумотлар бериш билан чекланмай, уларнинг адабий жарайёдаги ўрни очишига, асарларининг умумий қимматини белгилашган. Жаҳон адабиётни ҳақида анчагина тўла тасаввур берадиган ана шу лугатда ўзбек адабиётига ҳам ўрин ажратилган. Ундан «Алломииш» ўзбек ҳали эпосининг намунаси сифатида талқин эти-



Топидик

ВАҚФНОМАЛАР

Ўзбекистон Марказий давлат архивини қаммати тарихи ҳужжатлар хазинаси дейши мункин. Бу ерда йўтга Осиёй ҳаликлиарни ІХ асрдан ҳозирга кунгаша бўлган ҳужжатлари тўпланган. Архида ую хонлик — Бухоро, Ҳайрон, Ҳива ҳонликлари тарихига мансуб ҳужжатлар кўр. Бухорида қушбегизинг архив ҳужжатлари айниқса диккатга сазовордид.

Буларда ҳалқ омасининг оғир аҳволи, феодал урушилар, ҳалқ қўйғонлари, хонликларнинг маъмурий тузишлиши, ер сотув-буливи, сувдан фойдаланиши тўғрисидаги маълумотлар сақланган. Шулар ичада вақф ҳужжатлариниши хилма-хил на-муналари бор.

Яккина Марказий давлат архивида имий ходим Карим Убайдуллаев вақфларнинг Бухоро нусхаларини текширайтиб, йўрга Осиёдаги энг эски вақфномани топди. У 1298 (698 ҳижри) ўйлда тузилган бўлди, катта имий қимматга эга. Бу вақфноме Бухоро шахстомий-иқтисодий ҳаётининг бир қатор мұхим томонларини очишимиша хизмат қиласди.

Шунингдек, 1614 ўйлда тузилган вақфнома ҳам ўрт қизиқиши ўйнотди. У Имомкулихон салтанатини даврида бор өназар Пойнебодий туркмандарномидан ёзилган. Вақфнома Бухородаги Пойнебодий масжиди ихтиёрига бир неча юз гектар ер вакият қилинганини қайд этди. Ҳужжатиниша қиммати яна шундаки, ўнда Қарши чўлиса сув чиқарши тўғрисидаги, шунингдек, меҳнаткашлар аҳволини кўрсатувчи бой маълумотлар келтирилди. Маса-

лан, чўлга сув чиқарши учун Пойнебодий ҳашараға 10 минг киши чорлаб, ҳар үч кишига бир танга-дан ҳақ тўллаган айтилади.

XVI аср бошларидаги Ҳиротда тузилиб, қози тасоқласан вақфнома алоҳида қимматга эга. Унда вақф қилишаган ернинг Алишер Навоий ерларига ую туташ эканлиги кўрсатилади. Бу ерлар Сераҳ бислан Тажан оралигидаги Аҳмадобод деган жойдадир.

Бу ҳужжат ҳалқ бошқа вақфномалар сингари имий асосди таҳлил қилингани.

Шоҳрӯҳ, кейинча Үлугбек саройининг бош маслаҳатчиси Қўжалошининг чевараси Фотима оғача Ҳирот якнидаги ерларни Ҳусайн Бойқаро хоча-қосига васит қиласди. Бирор маддакатни Шайбонийлар эгаллаб аҳвол ўзгарган, вақф қилинган ерларга датвогарлар чиқиб қолади, шундай Фотима оғача вақфномига қонунийлиги юзасидан Оппок-бегоим гуёвхлигига қози ҳуқумиши ҷаҳартиради. Қизиги шундаки, вақф қилинган ҳамма ерлар бирма-бир рақамлаб қишилан. Бу ҳолат вақфномалар тузисидаги янелик эди. Ҳаммаси бўлди 2033 ўйлак ер кўрсатилган, Ерлар кимлариниши ерлар билан туташлини батасил саноб ўтиланган, Уша даварнинг номдорларидан Алишер Навоий, Шоҳрӯҳ, Үлугбек, Ҳусайн Бойқаро сингари зотларни ноглари учради.

Бу ҳужжатларнинг қиммати нимада? Аввало XVI аср бошларидаги Ҳиротда ер тасарутифнинг қандай қўйилганлиги ҳақида янги маълумотлар айтилади. Маълумки, XVI асрда катта ер эгаллари ва давлат аброблари дэқон аҳлини қаттиқ зиёб ишлатган.

Агар XVI асрнага Темур ва темурӣлар ҳукмронлигини даврида бўйлар мулки бошига элларнинг ерларни эгаллана ҳисобига кенгайсан бўлса, XVI асрдан бошлаб бечоре дехонхонларнинг үзуншини тортиб олиши ҳисобига кўпайди. Бу давра келиб ерга умуман мол-мulkка эгалик қилиши ҳуқуқи ҳужжатлар билан қонунилаштириладиган бўлди. Шу сабаби вақфномаларни тўғрисига ўша давар талаби бўйича қозиконанини алоҳида ҳуқумини чиқаршига мажбур этиган бўлса ажаб эмас.

Биз бу ўринда фақат учта вақфнома хусусидагина фикр юритдик.

М. ЮНУСХУЖАЕВА
тарих фанлари кандидати.



Мақсад Шайхзода
хотириаси

МАРСИЯ

Кўёшжиға Шарқимизнинг ордоюни тупорги, боли пар юртим, азиз ва муҳтарам Она Ер! Тенгисиз бер инсонни олиб келдик бағрингга тагин; қаламда, санзатда, имда, дард ва муҳофазада тенгисиз одами, мураббийинида, меҳр ва муҳаббатда, ҳаммадан ҳам инсонийинида тенгисиз буюк Одамини келтиридан бағринга, Она Ер! Сабуҳий пок қадаб билан, қайноқ ва ўтирина нафаси билан, ҳалол ва бурро тили билан сени куйлаб толмаган, бутун умри ва борлигини сенинг йўлнинг, сенинг бахтинга, сенинг чаманнинг бағишишган, эзгу мухаббатни Мажнундек йўлнингга қурбон цилган бебаҳо фарзандинг иелди бағринга, Она Ер! Сенинг азиз ва муборак номининг иўнларни кўттарган, сенинг обёсти кипланларни тарих тавки лаънати дорига оскан, сенинг кўхна ва мўтъадил тарихини, иўнларга жар солиб турган минораларнинг мангу ва йўқотиб бўлмас маданиятингни ордона, буюк фарзандларнингни ёрлонаган фозил Фарзандинг келди бағринга, Она Ер!

Нега жиг қолдинг? Сен ҳам биз каби ларзага келдингми ногиҳон? Дард, алам бўгдими сени ҳам бу он? Еш тўқялсанни биз билан сен ҳам, табаррум Момонигам...

Нечун Инсон ўзини аямайди, азиз Момо Ер? Ахир, бор-йиғи биттагина жони бор-ку унинг, иккитасам-ку, Үндан буниҳ ҳеч ким талаб ҳам қилмайди-ку, ахир!

Инсон түглибиқ сени дейди, сенга толпинади, сени севади, сени балордан асрайди, сенинг кўсингни ажак ўқларидан химоя қиласди! Нега шундай фидоийлар улади?

Орамиз ўпирилди қоди.

Шеъримизнинг тори узилди.

У ҳаммамизнинг муаллимимиз эди, «Гулестон»имизнинг саломи, шеъримизнинг камоли, маданийтимизнинг жамоли эди! Шундай бўлиб қолди, қолади, Она Ер, шундай!

Мақсад Шайхзодамиз-ўзи тизганидек:

Иўқ, мен ўлган эмасман!

Иўқ, мен ўлган эмасман.

Умрим буюк пийла,

Ҳали тўлган эмасман.

Туроб тұла



ЯНГИ МОДА ҚУРБОНЛАРИ

Янги модалар қандай бўлиши керак, нима қилса улар кини диккатини ўзига кўпроқ тортади. Ҳозир да масала ғародаги кўптина янги мода қашфетчиларни тинчлик бермай келапти. Ҳатто савдо корчалоидар ҳам бундан фойдаланиб қолни йўлнин йўламоқдалар.

Мана бу аёл бошидаганинг ичига қадаҳ билан шина кўйилган лагон деб ўйламан! Йўқ, у янги босхийни. Майфурушиларга гаройиб бу реклама қанча фойда келтириди билмаймиз, мажбур суратдаги бу хоним янги модали бўлгандигидан хурсанд!

...Мана бу хонимин эса дегиз тўлқинла-рию, унда сизуб юрган кема қизиқтириди. Балки бу ҳам «Бизнинг пароходга тушинг, дегиздага санр қилинг» деган мазмундаги рекламадир!



Зарищикни, бу муваффақиятлар туфайли ўзбек позисиясида янги формалар тараққи этди.

Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги мақолада ҳам ёзувчининг ҳизоялари, «Кўшчинор чироқлари», «Синчалак» каби асрлари, шунингдек, биографияси ҳақиқоний ेरитилган.

Лугатда Ойбен тўғрисида ҳам батасил матлумот бор. Унинг «Қуттуг қон» романи ўзбекистондаги революцион ҳаракатга багишланган биринчи йирик аср деб баҳоландади. Лугатда, айнича, «Навоий» романига берилган баҳо қизиқ.

«Ҳақон адабиёти лугати»да ўзбек адабиёти ҳақидаги материалларни доктор Дориз Шулы ёзган. Юқоридаги мисоллар музалифининг ўзи ишига чуқур маастуринг билан қараганини, ўзбек адабиётiga меҳр-муҳаббат билан қалам тебратганини кўрсатади.

«Ҳақон адабиёти лугати» чет эллин адабиёт мухлисларига ўзбек совет адабиёти ҳақида яхши тасаввур беради.

лади. «Алломииш»нинг пратилиши даври, гоявий мазмунни, ҳалқ ҳаётини билан алоқаси айтилади, фазилатлари қайд қилинади. Лугатда айттилишича, «достонда ажнабий босқинчиларга қарши ҳалқ кураши ҳаётний манзараларда тасвирланган».

Лугатда ўзбек класик адабиёти Алишер Навоий икоди орнали берилган. Навоий улуг ёзувчи, ўзбек адабий тилининг асосчиси деб тасифланган. Унинг ғазаллари, «Ҳамса»га кирган достонлари, шунингдек, «Мұхакамат» лугатайни, «Махбуб» қулуబ каби асрлари мазмуни, ёзилган даври кўрсатиб ўтилган.

Лугатда ўзбек совет адабиётининг намояндалари Ҳамза Ҳакимзода, Faafur Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор билан ҳам танишилариди.

Faafur Ғулом ҳақидаги мақолада шонирнинг поэтик маҳорати ўнсан баҳоланган. «Faafur Ғулом,— деййланг унда,— ўзбек класик поэзиясининг энг яхши традицияларини давом эттириб, поэтик санъатда жуда катта муваффақиятларга

Яхши ният билан кўчат экиш, бое қилиш ота-бобола-
римизнинг удумидир.

Янги фарзанд туғилган куни унга атаб бир неча туп
кўчат ўтқазиш, соясида ўтирган ёки мевасидан татиб
кўрган одам: «Отасига раҳмат!» десин деб дараҳт кўкар-
тириш — халқимизнинг азалий одати. Донишманд со-
ҳибкоримиз Ризматотаннинг шундай сўзи бор: «Ёшли-
гимизда оналаримиз беланчагимиз аргамчиларини ток-
ларнинг зангига боғлаган, йиглаганимизда оғизимизга
эмизиг ўрнига узумнинг бир гужумини сўрдирган».

Соҳибкорлик, боғбонлик ишқи бизнинг юракларимиз-
га она сути билан жо бўлгандир. Дараҳт ўтқазған, кў-
чат эккан одам савоб иш қиласи, олқиш олади, ёш ниҳол-
ни синдиригандар, дараҳтларни қутирган киши қарғиш олади.
Катта-катта мевазорлар ана шу боғларни гуллатиб-яш-
натнган кишиларнинг номи билан аталади. Ҳозир ҳам
фалончининг бояги, фалончи ўтқазған қайрагоч, фалончи
кўкартирган ёнғоқ, деб айтишиди. Одамлар кўчат ўтқа-
зиш, бое қилиш билан ўз номларини абадийлаштириб,
ҳаётлик чоғларидаёқ ўзларига ҳайкал ўрнатиб кета-
дилар

ЯХШИ НИЯТ

Бу йил кузакда Улуғ Октябрь инқилобининг эллик
йиллигини тўй қиласиз. Улуғ доҳиймиз Владимир Ильич
Лениннинг туғилганига юз йил тўладиган кунни байрам
қиласиз. Жаҳондаги барча халқлар ана шу тўй маъра-
каларга, ана шу тарихий саналарга атаб совфа тайёрла-
яптилар.

Шу баҳор айёмида гул қилиш, кўчат ўтқазиш, да-
раҳтларни парвариши этишга қурби етадиган ҳар бир
ўзбек, республикамида меҳнат қилаётган ҳар бир яхши
ниятли Инсон Ватанимизни бундан ҳам чиройлироқ қи-
лиш, Узбекистонимизнинг ойдек жамолини бундан ҳам
ошиб учун кўчат ўтқазиш, бое қилиш ҳақида яна бир
карра ўйлаб кўрса.

Кўчат ўтқазишни ўзимиз яшаб турган жойдан, ўзи-
миз истиқомат этаётган ҳовлидан, киндик қонимиз тў-
килган ердан бошлайлик.

Аллемур Ітгузуклари

Дўлон, жонун ургуларидан уч юз нишини
қала беркчилари қилиб кўймиш эканлар. Бу-
лар эрса илгари меним навиқарларим эди.
Эшитишлари билан қалъа қописини очиб, ме-
ни кутиб олдилар.

Бу ердан чиқиб, Дарасуф деган жойга кел-
дим. Шу чоңда Туман Баҳодир ўғли Амлас
Баҳодир чопуличилиқ қилиб, Балх атрофига
келмис эди. Меним хабаримни англагоч, ик-
ки отлиқ аскарни билан келиб менга кўшил-
ди. Мен ҳам унинг кўнглини овладим. Шу
жойда туруб, Тумуна баҳодирга уч киши қў-
шиб, унга бўюрдим, Тирмиза дарёсидан ўтиб,
яширинча юруб, Чита амирларининг қилган
ишлари, биз тўғрилиқ қурғон генгашларидан
тўлиқ хабар топиб келтирғайлар.

Улар эрса тўрт кун юрнишни шундай хабар
келтириларим, Чита лашшарларни Тирмизга
келмисидарлар, халқини талаб, уруш-ўлтиришни
га киришимши эдилар. Бу сўзи англадим
эрса, аскарлар билан Дарагез деган жойга бо-
риб туришни кенгаш нўрдим.

Кобусини топар эрсам, шу жойдан туриб
душман лашшарни устига чопул қилиши ўй-
ладим. Дарагезга иелгач, Элчибага майдонидা
Жайхун дарёси бўйига келиб тушидим. Меним
Дарагезга келганимни Илес Хўжа эшитиб,
илдом устимга аскар юбормишдир.

Саккизинчи кенгаш

Бу урушда ғаним аскари меним ас-
каримдан неча баробар ортиқ эдилар.
Шу учун бу ишнинг ортини ўйлаб,
ғайратим бир оз орцага чекинган бўл-
са ҳам, ине ҳимматим қўзғолиб ўзимга айт-
дим: «Сен душман кўйидан салтанат олиш
учун ўртага чиқдинг, энди эрса ўлимиға қўр-
киш, урушдин чекиниш бунинг лойиги эмас-
дир. Е душманни енгиб, салтанат олурсен, ё
майдонда ўлб бари нарсадан куттилурсен»
деб, кўнглима кувват бердим. Сўнгра душман-
нинг ёсол тузугини кўздан кечирдим. Қара-

Шу чоңда менга хабар келтириларим, Амир Сулеймон барлос, Амир Мусо, Амир Жо-
ку барлос, Амир Жамолиддин, Амир Ҳиндукга
барлос — булар эрса. Чита қўшинлари ичиди
эдилар. Уз ҳууматларидан, яъни Илес Хўжа-
дан юз ўғириб, ўзларига қарашли аскарлари
билан эсни Тирмизга келишгандин сўнгра Тў-
ланбўғани менга хабар айтиш учун юборган
энзилар. Минг отлиқ киши келаётган хабари-
ни менга келтириди.

Мен эрсам буларнинг келишидин яхши пол
одим.

Булар билан кўришганимиздин сўнгра мен-
га кенгаш беришиб, шу неча душман лашшар-
ни устига тунбосар қилилай дедилар. Отланб
чиқдим эрса, Чита лашшаринингдаги келган
хабари менга ети. Чапсонлик билан ўз аскар-
ларини тузулаб, душман қаршисига келдим.
Лекин инки аскар орасида Жайхун дарёси
тўсқинлик қилур эди. Шу чоңда кўнглима яна
бир тарбир несли. Шундекин аскар бошлиқ-
ларини ўзимга эгмакни бўлиб, бу тўғрида
Амир Абусаадга кўп яхши сўзлар қилидим. Бу
киши айтқон сўзларини қабул қилиши эди.
Лекин бошча амирлар унга қарши чиқишиб,
урун қиммоқча тўхтадилар. Буни нўргача, ме-
ним ҳам ғайратим кўзғалиб, аскар ёсолини
тузушга киришдим.

сам, ғанимлар ўз аскарларини уч бўлук қи-
либ, уруш очмочи бўлмишлар. Бунга қарши
мен аскаримни етти бўлника ажратиб туздим.
Буларни кетма-кет юбориб туришини ўйладим.
Энди саваш бошланиб, уруш ўти кўнка кў-
тарниди. Ҳар инки томон баҳодирлари ки-
кириқ-сурал солиб урушга кирдилар. Бош-
лаб, хирорул бўлугини бўюрдим. Душман ас-
карини ўқида тутдилар. Сўнгра чоловул, шоқо-
влу тўплари чопкулашга кириши. Ирангар,
барангар қанотларини очиб, ўзим гўлдин ту-
риб, олга умтидим. Шу билан биринчи ҳам-
ладаёқ гўлда турган бош қумондон Амир Абу-
саид тўпини бузуб, орцага чекинтиридим. Шу

чоңда Менглибуга билан Ҳайдар Андахуини
баҳодир талаб қилиб ўртага тушиди. Буларга
ўзим қаршилашиб, биринчи ҳамла қилишим-
дайдай тартиб ташладим. Шу билан душман
түғи Йинклиб, гўй аскарни чекингача, бутун
Чита лашшарининг ёсоли бузила бошлади.
Бош-оломон сочилиб, туш-тушига қочидала-
турдилар.

Тўққизинчи кенгаш

Меним бу биринчи тўққинишмада га-
нимга галаба қозонишм, Чита лаш-
шарини енгиб, уларга зафар тошишим
бутун Тўрон мамлакатига тарқалиши
эди. Мангуплар кўйидан салтанат олиш учун
хурку цилганингим барчага маъзум бўлиши
эди. Агар шу ўйли салтанат қўлимига келар
энан, ҳар жойда адолат ўртишини ният қил-
дим.

Салтанатимни чангитиш, сипоҳларнинг кўнг-
лини топиш учун қўлимда йигилиб турган ха-
зинанинни уларга тартибати, лашшарга озуқ
улашдим. Сўнгра Жайхун дарёси бўйига ту-
шиб, Тирмиз ўткулидин бу томонга ўткач,
Қаҳлақа қалъасини пайдал келиш учун бир
неча коровул юбордим. Чунки бу қалъани
кулга келтириш мен учун энга керакни иш
эди. Қоровуллар ўйдин хабар келтиргулнари-
чи ўзим Жайхун дарёси бўйига кутиб ётдим.

Меним бу ерга келган хабаримни Илес Хўжа
ашинтиб қолиб, Бекчич Ботиринин иниси Ол-
чин баҳодирни қалин аскар билан меним уст-
има юбормишдир. Меним қоровулларни
гафлат босиб, ухлашиб қолгон эканлар. Ғаним
аскари нечалари юриб ўлтириб, тулоқсиздин
келиб, устимизга шабхун урдилар. Лекин мен
ўзим уч томони сув билан ўралғон оролга
тушган эдим. Орол ташшарисида курнғон бир
қанча аскар чодирлари толонга кетиб, ўзлари
зинга учрадилар. Колгонлари эса оролга ки-
риб омон олдилар. Мен бўлсан, уруш тайёр-
гарлигини кўриб, орол оғизини тўсиб турдим.
Утган урушда душман нузи менин қўриқ
қолган экан, сонлари кўп бўлса ҳам урушга

* Давоми. Боши 2-сонда.

БИЛАН ЭКИНГ

Хар бир ҳовлида, ҳар бир мактаб, ҳар бир корхона, ҳар бир ўқув юртида, ҳар бир колхоз, совхоз чорбогларида, йўн ёқаларида кўмкўк дараҳтлар яшнаб, уларнинг япроқлари номимизни айтиб шивирлаб турсин.

Улкамизга чет эллардан, бошқа жойлардан кўплаб меҳмонлар келяпти. Улар катта йўлларнинг икки чеккасида, ариқларнинг, каналларнинг бўйларидағи мевали дараҳтларнинг ширин-шакар мевасиданоқ татиб кўриб, ўзбекларнинг соҳибкорлигига қойил қолснислар.

Кейнинг йилларда айрим жойларда боғлар камайиб кетганини, баъзи бир узоқни ўйламайдиган кишилар ёнғоқ, ўрик, нок, шотут сингари дараҳтларни кесиб юбораётганиги, анерзорлар, анжирзорлар камайиб кетаётганини сир эмас.

Энди ҳаммамиз бир тан, бир жон бўлиб, бир ёқадан бош чиқарип шундай ҳаракат қиласайликки, ҳар бир ша-

ҳар, ҳар бир районда, ҳар бир қишлоқда илгаригига қараганда ўн чандон кўпроқ боғ бўлсин, гулзор бўлсин, дараҳтлар кўпроқ қўкарсин!

Биз бугун ўтқазадиган дараҳтларнинг мевасидан фарзандларимиз, келажак авлод ҳам баҳра олади. Ҳар бир туп кўчатни, ҳар бир дараҳтни худди фарзандимиздек авайлаб, эъзозлаб, парвариши қиласайлик. Богларни кенгайтириш учун янги очилаётган ерларда, Марказий Фарғонада, Мирзачўлда, Қарши даштларида жуда катта имкон бор.

«Гулистан» журнали энг яхши, тажрибали боғбонлар мусобақасига ҳакамлик қиласи, одамлардан олқиши олаётган, она тупроғимизни ясантираётган соҳибкорлар, гулчиларнинг суратларни босиб чиқаради, уларни элга танитади. Умид билан кўчут ўтқазган, боғ қиласи одамларга энг катта мукофот ҳалқимиз ташаккури, кўпчилик дуосидир.

Келинглар, дўстлар, саҳиҳ еримизнинг ҳар бир қарича, ҳар бир қадам жойини гуллар, мевали дараҳтлар билан ясантирайли, мұқаддас тупроғимизни умримизни узайтирадиган яшил либос билан безайлар!

«ГУЛИСТАН»

ботиниб киролмадилар. Ўн кунгача мен шу оролда турдим. Сўнгра у ердин ташари чиқдим. Сув бўйларидаги чодир-олачиқлар тинтириб, душман аскарининг қаршисида бир ойча уруш кузатиб ётдим. Уртамида ҳеч қандай

уруш ўтмаган бўлса ҳам, душман ўз-ўзидан чўчиган бўлса керак, бир нечада у ердин кўчиб қайтилар. Мен сувдин ўтиб, уларнинг ўрнига қўндим. Ганим ортларидан қувлашга бир бўлук аскар юбордим.

Ўнинчи кенгаш

Ву ўйли ҳам душман аскари ҳеч иш кўришолмай, мэндин енгилгандек бўйлиб қайтилар. Сўнгра мен ўз салтатиним ривоқлантириш учун аввал Бадахшон ўлнасини олишини маслаҳат кўрдим. Шу фикр билан дарё бўйидин кўчиб, Хулум деган жойга тушдим.

Бурунроқ мэндин ажраб кетган қайногам Амир Ҳусайн ўша ерда келиб, мен билан кўриши. Бунинг келганига қувончилиқ қилиб, шу кунни тўй ўтказдим. Бу ердан турбиф Бадахшон томонига йўл олдим. Кундузга келганимда эру қилиб, шу ерда бир неча кун турдим. Шу чоқда Бурулдой элининг кўпчилиги келиб, менга қўшилдилар. Кўнгилларни кўтариб, бошлиқларига бош-оёқ кингиздим. Менниб у ерга келганимни агар Бадахшон шоҳ-

ларни эшитиб қолсалар албатта уруш жамалғасини қўлгайлар. Мен улардин чапсонлиқ қилиб, тайбергларни кўриб, аларни аскар ингишга улгуртмай, босишим кераклигини ўйлаб, илгар билан аскаримни Талиданга етиуздим.

Бадахшон шоҳлари меним бу ерга келиб қолганимни англагач, қарши туришга чора топишолмай, тортиқ-тарағлари билан келишиб, менга тобун бўлдишлар.

Мен бу ўйлаган кенгашимдан рози бўлдим. Чунки бу ишда хото қимламаган эканман. Урушталашсан Бадахшон ўлнаси қўлимга киргач, салтанат ишларим ҳам кун сайнин кўтарилиб, ривоқланшига бошлади.

Бадахшон сипоҳларининг кўпчилиги менга қўшулдишлар.

Ўн биринчи кенгаш

Вадахшон шоҳлари менга тобун бўлгандаридин сўнгра, Хатлон ўлнасини олиш кенгашни кўнглима тушди. Қайногам Амир Ҳусайнининг қўрслигидан пўлатбуға, Шер Баҳром ундан торинишиб, шу

ерда биздин ажраб, ўз элларига қайтиб кетдилар. Сўнгра мен ўйдин чиқиб, Кўлан даштингин елкасида турдим. Шу ерда турғонимда Ганим лашкарининг аҳволидан хабар келтириш учун бир неча тингчилар юбордим,

(давоми келаси сонда).



Tошкент билан Монреаль оралиги оз мунча эмас. Шунга қарамай, яна иккى ойдан кейин жаҳонга шайхлар Америка қитъасининг олис Канадасига йўл оладилар.

Мана, неча ойлардан бери Монреаль тиллардан тушибалти. Ҳозир иккى ярим миллион шуфусли улкан шахарда сўнгти ҳозирликлар кўрилияти. 28 апрелда бу ерда Жаҳон кўргазмасининг ҳамма эшиклари лани очилади. Шу куни жаҳондаги етмиш мамлакатнинг миллий байроқлари ҳилпираф туради.

Монреалдаги Жаҳон кўргазмасининг очилини маросими бу кунга белгиланган бекиз эмас. Канада конфедерацияси ўзининг юз йиллигини, Монреаль ахолисига эса ўз шахрининг 325 йиллигини шу тарихий дамларда нишонлайди.

Монреалликлар Жаҳон кўргазмасини келиб кўрувчиларга барча қулаликларни муҳайе қилишга интилоқдалар. Йўл қурувчилик кечалаб-кундузлаб кўчаларни кенгайтириши билан бандд ер остида ҳам тиним йўқ — метро йўли узайтириляти; бир изли осма йўллар учун оғир устунлар ўрнатиляти. Янгилини меҳмонхоналар қўрилиб, эскилари кенгайтириляти, замонавий ускуналар билан жиҳозланяти. Институтлар, коллежлар, мактаблар кўргазма кунлари ёткоҳоналарга айлантирилди — ахир, Жаҳон кўргазмасини томоша қилувчилар учун, дастлабки ҳисобларга қараганда, 180 мингта ўрини тайёрлаш керак-да. Ҳозирининг ўзидаёт ҳамма жойда — магазин, ресторон,

домашабинлар алоҳида хонада Ой «айланиб» саёҳат қилишлари мумкин. Кўргазма пайтида 1100 ўринли ресторон ишлаб туради, унда миллий таомилар тайёрланади. Иттифоқимизнинг энг сара ошпазлари орасида ўзбек пазандаларни ҳам ўз маҳоратини намойиш қиласидилар.

Ле-Мойн каналининг нарёғида Америка Қўшма Штатларининг павильони қад кўтаради. Айланаси етмиш метрча келадиган кап-катта юмaloқ бино пўлат симлардан «тўқилади», унинг тешикчаларига тиниц пластикалар қопланади. Кундузи қўёш ёртис, кечалари ранго-ранг нурлар товлантириб туради.


Ҳар иккى улуг давлат павильонини «самовий сайр кўприги» деб атаглан кўпирин боғлайди. Монреалликлар буни ҳалитдан ўзларича «бўлажак дўстлик кўприги» деб атамоқдалар.

Франция, Англия, Италия ва бошқа мамлакатлар павильонларининг ажойиб хусусиятлари тўғрисида ҳам мароқланиб ҳикоя қилиш мумкин.

Вақти келиб, «Гулестон» журналхонлари бу имкониятга эга бўладилар деб ўйлаймиз.

Умумай, Монреалда очиладиган Жаҳон кўргазмасидан унинг ташкилотчилари қандай наф кўрадилар деган ўринли савол туғилади. Айтишларича, кўргазма — минг гектар майдонни этталайди. У ҳозиргача очилган ҳамма кўргазмалардан энг

ТОШ КЕ НТ



Монреалдаги Жаҳон кўргазмасида
Совет павильони.

МОН РЕ АЛЬ

қаҳвахона ойналарида кўргазманинг нишонини кўриш мумкин, унда кўргазма шиори — яъни «Man and his world» (Инсон ва унинг дунёси)ни ифодаловчи «M» ва «W» ҳарфлари акс этирилган.

Кўргазма ишоотлари Монреалдан оқиб ўтадиган Авлиё Лаврентий дарёси ўртасидаги табий ва сунъий оролларда қад кўтармоқда. Дарёда иккى орол билан ярим орол бор. Шуларнинг энг каттаси қадимдад мавжуд. 1611 йилда бу жойни қашф этгани киши уни севикли хотини шарафига Муқаддас Елена деб атаган. Бошқа иккита қуруқлик эса бор-йўги.. 1963 йилда дунёга келди. Орол из ярим орол дарё ўзиндан 25 миллион тоғиша лойқани чиқарил юзага келтирилди.

Бу сунъий оролларда жуда кўп бинолар тикланабди. Ҳамай, ҳатто 8 минг туп дараҳт, 150 минг туп турли бута ҳам ўтказилди. Кўргазма майдони хозирнинг ўзидаёт киши аёлгини шоширади: баҳайбат сарой-павильонлари, учта янги кўпрги, сон-саноқсиз майсазори, бир изли уч айланы йўллари кўргазманинг ишадар улканлигига гувоҳлик бериб турибди.

Ишоотларнинг замонавий қиёфаси чуқур таассурот қолдиради. Совет Иттифоқининг кенг ойна ва темирдан тикланашётган ёл-ёруг павильонни очиқ дениздан тўлқинларни кечин бор-рётган кемага ўхшайди. Унинг томи, одамларнинг айтишича, сайдерлараро фазовий кемалар космодромини эслатади.

Совет Иттифоқи павильонида мамлакатимиз тархи, халқларимиз меҳнати, турмушни ва роҳоти, шуннингдек санъати ва маданийтини ифодаловчи олии мингга яхши экспонат қўйила-

катта бўлади. Уни тиклашга 330 миллион доллар сарфланади; давлат бу кўргазмадан 2500 миллион фойда олишини кўзлашиб, бироқ, Канада коммерсия банкининг маҳсус биолетинидаги ёзишича, кўргазма давомидида умуман иккى миллион доллар атрофида савдо-сотни битимлари тузилади. Аммо бу рақамга у қадар ишониб бўлмайди. Шунга қарамай, бир нарса аёни, ҳалифандан мақсад — оши емоқ, бинобарни, кўргазма очишидан мақсад — бойимоқ. Яна шуниси аёни, Монреалдаги Жаҳон кўргазмаси жуда ажойиб бўлажак!

* * *

Мухбиримиз Ўзбекистон Давлат план комиссиясининг чет эллар билан маданий алоқа бўлнимига қўйидаги савол билан мурожаат қиласди:

— Ўзбекистон Монреаль кўргазмасида нималари билан қатиначади?

— Республикаимиз Туркияning Измир шаҳрида очиляётган Жаҳон кўргазмасида қатиначаётгани сабабли Монреалда кенг иштирок этмайди, — дейиншиди чет эллар билан маданий алоқа бўлнимидан. — Биз Монреаль кўргазмасидаги совет павильонида намойини қилиш учун Бухоро зардўзларининг энг аёло маҳсулотларини, Ўзбекистоннинг энг поизор вино ичимликларини, шуннингдек ёғоч ва мугиздан ишланган миллий совга-саломларини иборамиз.

Шу кунларда кўргазмага жўнатиладиган маҳсулотлар кўриқдан ўтказилияти.



Дутор-тандур азалдан аёлларимизнинг улфати бўлиб келган. Улар бир вақтлар қайғу-ҳасратларини тилсиз торлар билан юштагандар. Эди улар хушнудликларини, ял-ял ёнишларини пардаларга яширмай, хушчақчақ сайдайдилар, севилиарини латиф тараннум этадилар. Махсус фото мухбиримиз Г. Бойко олган ана шу рангдор расмда дилбарларимизнинг ҳордик чоги тасвирланган.

АСРЛАР



Опера театрн



Шердор мадрасаси



Шохизинда

Меҳмонхона

Самарқанд


саўқали

рўйи

замин аст...

КАСРЛАР

2500





Ўзбекистон ССР халқ рассоми Раҳим Аҳмедовнинг санъати — жонбаҳш, бегубор, инсоний санъат. Унинг мўйқалами берган бўёқларда ёруғлик барқ уриб турибди. Тиниқ асарлари олдида сеҳрланиб қолишимизнинг боиси ҳам аввало шунда. Биз кўчирив босаётган мазкур асар Раҳим Аҳмедов ижодининг энг янги маҳсулларидан бири. Бу — «Рассом аёл» деб аталади.

Эрта тушган күз, Чоппор гулзорни босган қордай, бир дунё ташвиш келтириди. Ялт-юлт қүшү күзак чечакларидаги, қаҳрабо чиройга гарың чинор баргларидаги шабнам — марварид доналарини симирб үлгурганим йүк эдик, тұстадан жин шамол күтарилиу қоработир булутлар нұжда үрмаларидет. Тонг нафасданың дала боғимизни бишлага күтаришган сайдоңдар ҳам, зибілдоқтар ҳам сайнай ғынгишира кәйнәдір жүфтән урдилар. Бир зумлик жиммицидан сүңг, күтилмаганда, бошланған қасар-қусур, қаңмоқ отишлар, шалаббо ёмғир оламны босса бұладими...

Ерте күнниң савалын көттеган данак-данан ёмғир томчилары ҳаракатини ишхонам деразасыдан күзаттар эканман, негадир, үттеган иили — илон йилининг қишида кечгап, мен учын оғир түйилган күнлар хәйлимини банд қылар: ойланғанаш ишонч... захмат чека-чека биттілгап асар тошошибиларға унчалық маъқұл эмас; түнниң саҳарга пайванд қылған ою-күнлар оқыпти—вой. Ҳа-а... замон нечиннелігінде калыптын топа билиш, инсон қаҳты сайқалыннан аният, пухта, нишоннан оладын қолатын бор кишиш үлімдін ҳам мушкүл меҳнат. Бұлар устига тақицдичил — олимник юнини күтәролмай юрган баъзын бирорларнинг дабба чизмакашларынни, отта тақа қоқылғанды чумолининг обең күтаришларын күріб, «ўргидим-эй», дейищдан ўзға ғап тополмайды киши.

Одам ҳовуры үйларымнан бўди. Орзамга қиё боқсан: юлдузи ис-сиқинни бир аёл ишхонам останасини боса ичкари кирмона. Аниб... имисиз-димисиз сўрашдик. Кўрсатилган жойдан ўрин олганидан кейин, ҳимраничина, тилга идири:

- Ҳаёлзини бўлмадими?
- ...Ҳечқиси йўқ... аммо?
- Мани танимадиз, шундомни?
- Ҳа.

— Исимим — Адиба. Орзум, — бир оз ўйланиб қолди-да давом этди, — журналистика.

— Балли... балли... эй-а, энди эсладим... Бадний очеркларизни ўзиғаним бор. Ҳалиги...

— Ман бошига ияйтда... — Шу кезда иўчган чақмоқнинг нескир ти-ли Адиба юз-кўзлариди ўйнар, «қарагин-а» демоқчи бўлганда фикри-ёдмий жувон томон қадар эди. Адибанинг дўрда лаблари алла нечук яна жуфтланди. — Элнурни таниризмий?

— Элнурни!

Энди менинг кўзларимда қаңмоқ қаңнар, бошим айланғандай, Хо-тирамдан физиллаб ўтиши Элнур фокини 1964 йилининг қишида со-дир бўлганин эсмиди. «Си-ай-эй» разведвасининг қароқчилари истеъ-додли совет журналистики «ўғирлашган», уни ватан хоини қилиш мақ-садида бор ҳунарларини ишга солиб кўрганлар. Натика чиқавер-маяндан сүңг ва сийжай жанжалдан кўри, Элнурнинг дабдала жасадин, гўё автохолоқатга йўлинидан одам ўрнида, Нью-Йорк кўраларидан бирига ташлаб қочишига мажбур бўлишган. Уша ҷоғларда газеталар Элнур фокини тўғрисидан талангана нарсалар босишганди. Наҳотни қаршидаги аёл ўша жасур ўғлоннинг ҳалоли бўлса!

— Хотинларимиздан?

— Кўз очиб кўрганим... — чукур «уҳ» торта сўзлари Адиба. — Яқин-да йилини бўлади.

— Умр ўтишини қаранг-а...

— ...«Кўзлари чўлпонни ўнудим. Элнуримни менга, менинг Элнурнига ёзган хатларимиз бор. Шуларни бир кўрарминансиз ўйнда безовта қўйдим сизни?

— Қанин?.. Енисадами?

— Мана,— дед Адиба бир қийиқча ўрамани хонтахтага қўйди ўрнидан жилди. — Хайриз... иккиси-күнлардан нейин олиб кетсан бў-лар-а?

— Албатта... Офарин... — Адибанинг ишхонамдан чиқиб кетишниниям кутмасдан, қийиқчани еча хатларни үқишига берилдим. Иккиси нахқирон қалб ёзишмаларини кўздан кечирганин сари қўнглим галаёни минг чандон ошар, бир олам ақл ва дил «сири» тўлқинида «чири» айланар. Мана ўшалардан бир туркуми:

Нью-Йорк 20. IX, 1965 йил.

Адибам, севарим!

Сирасини айтсан, бу чувалган дунёда айрилиқ ўтида ёнганилар талайгина топилди-куй. Аммо мендан кўлға тушгани намдан-кам учраса керак. Ҳудди эртак-а. Йиллар давомидаги ғаҳёндиги ҳаёлнинг билан яшаша чиқад. Нихонт, висолингизга эришсаму ширингина тўйимизнинг (қавм-қариндошларимиз шодлиги, ёру биродарларимиз шўхликлари ёнгизига) эртасин ўйла отланыша мажбур бўлсам... Шундаймай яла-катлар париқ ёстиги остидаги гул гучна, яланг тушимдаги киз-гина йигит тушмагур циммишларидан алланечун озор чекса, қийиалишса... Агарчи, Амудай кенг мўлам меҳру шафкатингизга ишондим, бетигинингизни ке-чиарсиз, қаноати менда бўлма-гандачи, уятимдан, шафкатсан-лигим номусидан тарс ёрилиб ўлсан ажабмасди.

Адибагинам, умрдошим, бурч

мажбурияти орқасида бошланган тўстас сафар олдидан, аэропортда айтган сўлзарингиз ҳамон ку-логимда «...унутманг кўзларим йўлинигизда!» Бу ифрат ва латофат тўла истакларингиз қанотида, беш соатлар чамасида Москвага этиб иккиси «Москва — Нью-Йорк» самолётига нарсаларимни олиб ўтишига зўрга улгурдим деснагиз. Сунгра, Москвадан Шотландияни Преслунин шаҳрига, ундан Канададан Гандер шаҳрига, Гандердан Американинг Нью-Йор-кига сақраб ўтиб, бир кун деганда ўн минг километрча масофани боса еру замин деган «тухум»нинг нариги томонидан, империалистик ваҳшат оламининг қоқ киндингидан келиб чиқдим.

Ўзингизга маълумим, Америка-нинг Нью-Йорк деб атаглан бу бесўнай, нотич карвонсарайи монга ёнинирамайди. Ҳавоси бадҳазм, ергаим-қўнгаим сигмас доллардорлар ута бенбо, шаҳарнинг чин эгалари эса хор. Хул-

Сарвар АЗИМОВ



лас капитализм дунёсининг олтин айнада тилию бизнесменнинг за-хар дили ҳоним олами шунда му-жассам. Аэропортдаёт шу ёзув-ларга кўзим тушди: «Ингилтэр, Въетнам озодлик уруши сизларни кутмондай Кўнгиллилар сафиға тезроқ ёзилинг!» Яна уруш шар-паси. Биринчи жаҳон урушида 8,5 миллион, иккинчи жаҳон урушида эса 26 миллион халойин курбон қилинган бўлса, бу тиррар бу-зоқларнинг югуришини қаранг. Калта ақллар!

Бу оғир ўйлардан кутулиш учун тўғри келган газеталардан бирини очувдим, шу ёзлонларга йўлинидим:

«Янин күнларда шаҳримизга кўчич келган жаноб, ёши 55 да, сирти хушбичим, ўйланиш ман-садида бадавлат хоним билан танишувни истайдилар. Дин ва милитарий бўйича манеълик бўлмайди. Адресларни...»


«Истасар иссиқ, бўйчан, 40 ўшдаги бева хоним қўлида хуна-ри ва маълумоти бор жаноб би-

лан учрашувни хоҳлайдилар. Ис-тайлари — турмушга чиқиши. Езил-син...»

«45 ўшлардаги сўнгабош ҳоним тахминан айни ўшлардаги басав-лат, кимсаси йўқ жанобни изла-моқда. Маҳсади — эрга чиқин ва ўзининг «эрнаклар сартарошко-на»сини бирга ҳақарни, Шу сабабли ва шарқий славиянлар-дан, ёки Балқонда турғилганлар-дан бўлиши шарт. Мъалумот учун...»

«64—66 ўшларда чиқсан сергай-рат, кўрниши кўрким, маданият-ли ва маълумотли, зиёлилар ои-ласидан тарғиаган, 1914 йил уруши муносабати билан Россиядан кетиб қолган ҳамда оиласи тур-муш тажрибасини бошнан ке-чириган жанобни — бир умрли дуст-вафони истайман. Ҳониминг ўзларидан шу сифатларининг барчаси тўла-тўнис. Телефони-зис...»

Алияга кўрт тушган ва ёки ақли ошиб-тошиб кетгандар, за-



Ҳамид Олимжон

Ўрик гуллаганда

Деразамнинг олдида бир туп
Ўрик опоқ бўлиб гуллади...

Новдаларни безаб гуначалар
Тонгда айтди ҳаёт отини,
Ва шабада қурғур илк саҳар
Олиб кетди гулнинг тотини,

Ҳар баҳорда шу бўлар тақорр,
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади,
Қанча тиришсам ҳам у беор
Еллар мени алдаб кетади.

Майли дейман ва қилмайман гаш,
Хәйлимин гулга ўрайман:
Ҳар баҳорга чиққандай яккаш,
Бахтим борми дәя сўрайман,

Юзларимни силяб, сийапалаб,
Бахтинг бор деб эсади еллар;
Эттан каби гўё бир талаб,
Бахтинг бор деб қушлар чийиллар.

Ҳамма нарса мени қаршилар,
Ҳар бир куртак менга сўйлар роз.
Мен юрганда боғларга тўлар
Фақат баҳти мақтаган овоз:

«Мана сента олам-олам гул,
Этагингга сиққанича ол.
Бунда толе ҳар нарсадан мўл,
То ўлтунча шу ўлқада қол.

Умрида хеч гул кўрмай йиглаб
Ўтганларнинг ҳақи ҳам сенда,
Ҳар баҳорни йиглаб қаршилаб
Кетганларнинг ҳақи ҳам сенда...

Деразамнинг олдида бир туп
Ўрик опоқ бўлиб гуллади...

коватининг миси чиқсан ва ёни зановат кўчасига киришини унитоб кўйганлар шула бўлиша иерак. Одамни итдан ҳам хот, товумни айлаган жамитдан нимоям кутни мумин ўзи!

Адібам, севарим, эрта-метандан ишимизни бошлаймиз. Бошлигач ниҳояти ҳам бўлар-ку. Борйи истагим оқила Адібам билан тезроқ кўришув. Валидаи муҳтарамим пешоналаридан бир ўпид кўярсиз.

Салом ва хайр-хуш. Чўлпон иўзларингиз шайдоси — Элнуур.

Тошкент 25. IX. 1965 йил.

Ассалом, Элнууржон ака!

Минг-юз минг қатла шунур: ҳатнингиз, хуш ҳабарингиз келди. Бахтимизга ҳамиша саломат бўлинг! Аямлар айтишларича (ташвишланманг, сиҳатлари ойден), бутингиз орасидан шамом ўтиб юрса — бас эмиш. Гапга шахар берасиз. Лекин, Элнууржон ана, мени мунағанги ноқулай аҳволга қўйинингиз инсофдан эмас. Аямлар ҳадеб мактубинизни тўласча ўқиб беришимини қистайдилар. Қани айтингчи, ҳалиги шўхлик аралаш эркаликларни, «ёмон йигит» эканнингизга ишорларингизни қай юз билан ўқиб беради у кишига? Энди билсан, сизда ҳам айёрлик миссиёнидан анчагина бор экан, шекилини. Қилар ишни қилиб Америкага қочворасизда, дунёнинг бир четидаги турнир узр-илюғи айтасиз, кўлим етаслигини била турниб... Шу тобда қатвимда бўлсангизни агар... Узим билардим... ўймалаб-ўймалаб... Йўға, эсим курсин, кенг пешонангиздан, ҳаёт қайнон қўзларингиздан тўйиб-қониб ўпкан бўлардим, азтум.

Элнууржон ана, ҳижрон бўрони қаршисида Адібагиз мурт эзан, синаман дейди. Бунинг устига ҳар нафаси сизни эслагувчи илаки куизимизни кўрмайсизми: Шира-шарбатга фарғ бўларнингда ноз, гужум-гужум очилган пахтазорларда зави, серҳарорат ғизнинг оташида бўйиригини одамлар куизакнинг майни оромида. Қани сиз? Сира-сира ақралмаймиз, ҳамиша бирга бўламиш деган въздаларнинг қайда? Ҳа, айтгандай, «Эълонлар» антици. Один — кулем, кейин, давидир одамлар таҳдирига — ачиндим. Инсон ва жаҳон эзгу ниятларни доллар нафси йўлида курбон кишига асосланган жамит фалсафаси ва ҳақинатнинг расво ба-шарасини кўнинг-а! Капитализм — уруш ва ҳақорат дунёси эканини барча билши керак. Шу мақсадга қараштилаган ҳаракатларингизга мадад тилайман, лекин, ялиноман, эҳтиёт бўлининг.

Эртадан редакциядаги меҳнатим бошланади: ҳайр, доруфунун, салом, меҳнат! Аямлардан бир олам дуон истак сизга. Йўлларингизга интизор ёрингиз — Адиба.

Севгим, Адібам!

Мантубингизни олдим. Чиндан ҳам доносиз: ёзганларнинг бир шингилу маъноси, хосили гарармадар. Ташкинур. Сизни учратган тақдиримдан ўргиламан.

Бугунги Американинг кайфияти мени чукур ташвишга солмоқда.

ИККИ ДИЛ

ИККИ ОЛАМ

ҲИКОЯ

Нью-Йорк каби катта шаҳарларидан рух бутунлай кўтарилиган, кўпчилкининг иўнли сини, нархинаво баланд, зар ва зўрлик шунукхининг чақчайган кўзини тўзон, қон босгандай. Ҳаммабеъда уруш шаббадаси. Ҳатто Бродвейнинг қишиқ табнат аёллари ҳам Вьетнамда ўғли ўлган американлик нотавон оналар учун нафақа тўплашга бел боғлашибди. Номи улуғ, супураси курни бораётган бу мамлакатнинг сиёсатидан, «олий» дарахали сиёсатчилирингин килмиш-қидирмисларидан арвоҳ лабига ҳам учун тошса ажабмас.

— Нега мундоғ? — савол берсан, американлик бир дипломат, ҳазилмутойиб аралаш, шу жавобни қилди:

— Оқзай... 1945 йилнинг 31 январи эсларидадир?

— Албатта.

— Худди шу куни Гитлер ставкасида одатга кирган тартиб-интизом биринчи бор бузулганди. Туни билан ишлана, то тонгча бўлар-булмас иенгашлар ўтказиши яхши кўрган Адолф кунинг биринчи примирий уйнуда, ўз гафлатхонасида кечира ва айни фурсат давомида бирон кимсанинг унинг хонасига киришга асплоҳи ҳақи ӯйн экан. Бирор, 31 январининг эрталабни соатларида национал-социалистлар канцеляриясининг бошлиги Борман бу одатни бузишга мажбур бўлиб, Гитлер ўйкусини қочиради. Сабаби? Соғет тани қўшиллари Одердан ўтиб, Берлин сари йўл согандилар. Тушундиларми?

— Йўқ. Бу узундан-узун тарихни саволимига нима даҳли бор экан?

— Мистер, даҳли шундаки, ўша кундан бошлаб бизнинг ҳам ўйнумиз тозаим қочган, жонимиз ҳалак-да! Е биз коммунизмни ўзимиз, ёки коммунизм бизни — «озод олам»ни... Энди тушундиларми?

— Тушунгандан қандоғ... оғарин.

Ленин Ватанининг қурдати, социалистик лагерь галабалари, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидағи тарихий ўзгаришлар (факат иккинчи жаҳон урушидан сўнг) Осиё ва Африка цинъаларидан эллинидан ортиқ лиги давлат ўзаги келди, ахир) империализм корчалонларини қаттиқ саросимага солган. Улар сарсон-саргардон-ликларининг, уруш куролидан воз кечган иккисоди ўрнига жаҳон жада мақсадига асосланган иктисолдаги куч беришарининг, инсоний маданиятини кўнига кўтарилалининг сир-асорини шундан излаш лозим. Аҳвол шу қидар мураккаб Бирлашган Миллаллар Ташкилотининг XX сессиясига тўпланишган 117 мамлакат ва илларининг анчагинаси на ерни

таниди ва на осмонни. Вунинг устига масланшодлараро келишиш мовчилларни айтмайсизми. Ой сут берган онага тескари қарашибадарлар, телбалар хунари...

Жонин Адиба, бу галги жатим сеरташибироқ бўлса — иечирависиз. Бинобарин, биз хушёр бўлишимиз зарур. Етар, иечиган тарих сабонлари, етар. Ха, азизам, қалтиш замон, ҳалилар тинчлики қил устида турган давр хунук башарасини жайта кўрсатмоқда. Наҳотки, учинча жаҳон уруши ўт олса!

Гул ялпогри — дўрда лаб устига қўйган тимоқро хол ва унинг соҳибаси мени согинганимнан! Бир нўрсам... Бир сўйсам ...Сафаримиз чўзиладиган ўхшайди. Айларга катта салом. Саломат бўлинглар. Заргар қалбингиз зор-интизири — Элнур.

Фаргона, 12. X. 1965 йил.

Элнуржон ака, салом!

Очигини айтсан, бу галги хабарнинг кўнглигига андан озор берди. Кўпроқ нотинч дунё дайди шамоли тўғрисида ёзисиз. Америкалик дипломатининг айтганларидан бир газабандим, бир юд бўдим. Газабим боиси: хизматга туҳмат... агар Гитлер фашизмини биз ер билан янсон қиласмаганимизда ўша жаноб мамлакатининг ҳам холига маймунлар йиглашини унтиш, совет халининн мардана галабасига тан бермаслини — дунёни қора ўрмон тарзида кўришини истаган ҳайвон тушунчаси, албатта. Шоддигим сабаби: уйнуси қочган энан — ажаб бўлти. Уйқусизлик балосига муфтало одамнинг умри кўрга кўчалмайди. Демак, бир кунмас бир кун йўк бўлажанларини, мушт кўтаришларим кўркоқлик, кучисизлик ало-матидан дарак эканини сезмондадар. Яхши — ажаб!

Аммо, Элнуржон ака, бир телба бутун бир қишлоқга ўт кўйганидай, наҳотни, инга тинчлики ўрнини уруш, дўстлик ўрнини ноитинчи фоенни, севги ўрнини ўзудилик эгалласа? Сиз — ҳансиз: тарих қайтарилиши мумкин, агар биз тинч-тинчиса, қўзимизни гаффлат босса; агар Лениннинг буюк ақидаларини обёб ости қимончи бўлган нонкүр ортодокслар ўз вақтида ақларини йигиштириб олишмаса. Шунисига киши ачина-дикни, ҳатто ўз юртимиздаги иечишни уруш 26 миллион иссиқ жон ёстигини куритганини унтиб, ҳаккам-дунким қадам ташламоқчи бўлгандар, айниса, ёшдошларим орасида топилиди.

Элнурим, журналист ёрингиз дастлабин сафари Фаргона водийси томон тушди. Қанотсиз удим, чунки, назаримда, бу водий билан учрашув гўё сиз билан кўришишдай ширин туюларди. Ҳозирчи, кумум водийнинг айни завқ фасли экан. Бу водий асл меҳнатнан одамлари таърифини тилга олиш қаламни кўлидан ҳали келлас дейман.

Мен кувалин Ҳурмат очида билан танишдим. Онанинг юрдан ҳам оппоқ сочлари кўйб қоянгиган дийдори билан мотам либосини салобат ҳаёсига чимраган. Биринчи қарашда кўзлари охиз эканини сезмайсан, ниши. Уғиллари Эрали урушда ҳалок бўлган, лекин онга умидалини утирик. Она ҳамон ўғлини кутар,

— Онаюн, ёшинигиз қанчада?

— Айланай сиздан, Эрали не-мис қиронига жўнашидан бир кун

олдин: «Айбуви, олтмиш олтига чиқингиз», деганди... болагинам.

— Кўзингизга нима қилди?

— О-о, болам, йигирма тўр йилдан бери ҳаёлим ана кепди-мана кепди билан банд. Эрали тушмасурдан эса доми-даран йўқ. Азобга дил чидди, — тирикиман, кўз чидамади, айланай сиздан.

— Тўқсона чиқибисиз, онажон.

— Тўхсомни — юзими... Эралигина бошини, оҳ онага ўргилсан, бошини мана шу кўнсигма бир бозигуна ўтираверман. Ундан сўнгра ўнимига розиман... Қаригандан ўзини яхши, болам.

Биринчи очериким бардоши тог Ҳурмат онага бағишланади. Ҳалиги сиз айтган уруш жарчиларини шу муштипар она доди-фарёди кўр қисла бўлмайдими?

Элнурим, «хол» ҳақидаги қочириклиарингиз боинса нима ўйлашимим билмайман. Унга рашибини нелади, холос. Демак, у нишининг кўнгилларинида мен эмас, биргина «хол» экан-да каби шубҳалар дилимга озор соғасини солгандай. Нанини, хол, бутун борлигим, бор ҳаёлим сиз билан, сизники, Элнуржон ака. Ҳаммамиз, аямлар ҳам, Фаргоня бўлгаридаги гулу-ниҳоллар ҳам, ҳаммамиз, сизни, бир ючон йигитни бесабр соғинганимиз. Тезроқ қайтиш иложини қўйсангиз — илтимосим ва саломим шу. Кўзим, майлиз холиям, хуллас бутун вукуди йўлнингизга тўрт — Адиба.

Нью-Йорк 17. X. 1965 йил.

Адиба қиз, салом, оқилам!

Билмадим... Бу саломим — ҳаёлим ҳай фурсатда этиб бораркан: кечкучуруни, кундузми, ё ноништада? Менга қосла, мақтубимни тунда, ўринга ётиш олдидан кўнглигизда тегишини истардим. Балки, сабабини сўрасиз! Айтишим мумкин. Кейинги, кўзларимга сурта-сурта ўқинганини номангиждан пайқашимча, янги таассуротларга шунчалик бойисиз (Ҳурмат она — ажойиб тарих), азиз бошингиз ҳаёт шавиши билан шу қадар бандики, бечора Элнурни ўйлашга сизда на вақт ва на маъқол борига инонай. Тунни танлашмининг «сиз» шунда. Кундузнинг бор ташвишларидан кутулаганингиздан сўнг, саёб ётогингизда танҳо қолганингизда этиб борган мантибумни зора ҳаёлингизни мен сари олиб ючар, ўйқунгизни ўғирлаб (худинлигимни кечирабсан?) иниҳимиз кечинмаларимизни қўшнай қиласар, гойибона бўлса-да жон олувчи гулбаре лабларингиздан қониб-энтиб ўшишларимни рад қилмасиз, деган умид мени шунга мажбур этмонда. Бу рашими? Бето-қатлими? Согиниш төлбалигими? Ажрикимни ўзинигуз қилиб кўрарсан, оқилам.

Энди бу ердаги гаплардан сўрасангиз, шу кунларда гар бирнебарларининг бор динцати нато-ликлар пайтамбари пала Pavel VI нинг Нью-Йоркка келиши ва Баш Ассамблейдаги нутчи билан банд. Уч мингдан ортиқ мухбири, ўз санкис мингга якин гумаштаси, борингий, Америка президентидан тортиб Бродвей саводгарларигача — ҳаммаси шу машмаша атрофида гирдикапалак.

Гўё Вьетнамда, Даминкан рес-публикасида, Африка ва Осиё китъяларидан қон тўкилаётганинг ўйи.

Гўё империализм марази эмас, коммунистлар дунёси инсон ва замон шуурини ҳақорат қўилмоқда.

Гўё Америка бошлиқ империалистлар ой-у, Москва бошлиқ коммунистлар қора.

Гўё Америка ҳабашларининг қиринида ҳам, куппа-кундузи Оқ ўй дарвазаси олдида рўй берган безориликларда ҳам, тирикчилик ўтказиш юзасидан карт думбасига сурат ишлатиб, тери-мериси билан кесиб шинаванда бойвачча-

ларга сотишга мажбур бўлишган студенткаларнинг фохиасига ҳам айбор коммунистлар ва фақат коммунистлар эмиш!

Пала Павел VI Баш Ассамблея минбаридан «санъатпардо» нутқ сўзлётган бир вақтда, Пентагон биноси олдида, уч боланинг отаси Американинг Вьетнамдаги урушига ўз норозилигини билдириш мақсадида ўзини ўтда ёндириб жон берди. Ана тухматга умр, халқимизга саодат тилайлик. Ҳа-



Азиз боболарим!
Тошга киприк қадаб,
Киприк билан безак ўясиз,
Ўлик тошга ҳаёт атаб,
Умримизга ҳайкал қўясиз!



Беъзод

ИКНИ ДИЛ

ИКНИ ОЛАМ

ли дунёда қиласдан ишларимиз нўға уҳшайди. Амалларга алоҳидат ҳат ёддим. Үйбиз берасиз. Орзунгиз ва қалбинги мафтуни — Элнур.

Самарқанд. 24. X. 1965 йил

**Ассалом,
Элнуржон ака!**

Бу номани ноништадам, кундузим, тундам — ҳамиши сизнинг дардингизга гарб, Элнуржиз бир нафас яшашни тасаввур қилишдан узоқ бўлган Адибагиздан деб билурсиз. Азизим, изим тушган абдий Самарқанд нўчаларини кезганимда, осмон ўз гумбази ва рангни уларга тайланда янратган аспри ёргорликарини томоша қилганимда, «нон пўлот»дек ширин, қайроқи ахли тамизлар сұхбатини кузаттанимизда сиз билан гаплашасдан, сизни ўйламасдан бўладими ўзи! Ҳатто Улугбек расадхонасидаям хаёлга кетибман: бўйчан, қотмадан келган бир ўтийигит қўлларимга тишилганича, «Адибахон, таниёлмадизми? Мирзо Улугбек излаган юлдуз мен бўламан!» дермис... «Узоқда сиз юлдузингиз юлдузимга тушганиши, жавобини оласиз» деркан ҳайларастингиз.

Икни дунё — яхшилини ва ёмонлик дунёси. Албаттада, нюхояда мушук «фалсафа». Лекин, Элнуржон ака, базози раҳамарни эсингизга солмоқчиман: 1945 йили ҳисоб-нитобининг хабар берришича, жаҳонда 2,3 миллиарда ҳайници ѡшар экан. Шундан 850 миллиарни колониализм билан империализм зулми остида тириклик нечирингиз мажбур. Фақаттинга 180 миллион ҳалиқ социализм куриши шарафига эришганди. Эндиши, орадан ўн йил ўтгандан ҷеинин? Ер юзининг ҳалиқи — 2,5 миллиард, шундун 850 миллион ҳалиқ социализм куришга бел бօлгаган, фақат 180 миллион ҳалиқи ҳануз колониализм зулми остида. Эсингизга маълумки, сунгича рақам нундан-кунга камайиб бор-

монда. Тўғри, бу кўз илгамас тарихий ўзгаришлар осонинча бўлаётгани ўй, бироқ ҳақиқат ва адолат тантанасини тўхтатиб қолиши ҳеч кимнинг қўлидан, ҳатто бадавлат Америкадаги уруш жарчиларининг ҳам қўлидан келмас. XX аср — социализм аспи. Бизнинг ҳақиқатимиз, Элнуржон ака, гарчи сермашақат бўлса-да, баланд тог қоялари багрини ёра олтин водий сари юргурган обиҳаёт каби тинниҳи ҳам инсонбахшидир. Шу муқаддас йўлга бағишланган имонимиздан, ота-боболаримиз ҳақлари, тоймасан бас, марга бизниски!

Азиз йигит, Адибанинг сабри-карори бениҳоя, чидайди деб ўйлайсиз, шекилли... яна кузак қурмагури айтмайсизми: бирар бе-зянган, ҳар шеваси сизни дейди, ҳар сайдали сизни согинтиради.

Амалар хатлариним күшиб жўнатдим. У кишининг ҳам қўзлари ўйленингда. Юракларни тўкилиб, бор вуҳуди билан висолингизга отилган ёрингиз —

Адиба.

Нью-Йорк. 30. X. 1965 йил.

**Ассалом,
Адибам, ягонам**

Ажабки, ёмон яхшини, хунук чиройни эслатар экан. 110 қадоқдан (Америка ўлчов вазнida) ошиши гуноҳ санаган дароз, таҳтаки, суви ючган шилим аёлларни кўрганим сари бир кимса, табиатнинг тантси санъати яратган бўйнабаст, бўйдуд ранги бекирим чиро, ҳаёл билан ақл, ҳаё билан шўх назоказ этасининг орзуйи мени бир зум ҳам тинч қўйимас, маст-аласт айлар, бир ўйдиринг бир тирилтирагар... Жоним, кўни кетиб ози қолди. Тездан учарашмаси, агар саломат бўлсан.

Сизни бир воқеадан огоҳ қильмоқчиман. Америка президенти Линдон Жонсон ўтидаги тошни одиришида мен Нью-Йорк атрофинида Гайд-парника, Франклини Рузвелти юшаган ва жасади қўмилган манзилга борган эдим. Кўримизигина боғнинг бир ченкасадаги қабрини, түгилган ва умрингинт сўнгиги куиларини ўтказган оддигина ўй-жойларини зибрат қилиб орнганида радио шу ҳабарни кептириди: «Америка президенти оператори столида 130 минут ётади. Шу 130 минут давомиди ҳонимият вице-президентга топши-

Тарихик Хондамир «Хулосатул ахбор фи байн аҳволи ахёра асариди амир Алишер ғамхўрлиги туфайли «атроф оламда монанди йўқ... таъзиги ва тасвир илму ҳунарида... чексиз бўлган қалам аҳлари, шунингден замон наиншашлари ва давр мухандислари» этишиб чиққани ҳақиқида ёзиди. Дарҳақиқат, ушанда бутун Шариди ўз санъат билан донг таратган бир қатор улкан рассом ва наиншашлар никод қилган. Улар орасида оға Мирон, Шоҳ Музофар, Ҳосим Али, Махмуд Музахиб, Чечра Ҳушо, Юсуф нокчио, Дарвеш Муҳаммад. Ҳожи Ҳуаммадларнинг номи тилларда достон бўлган. Бинори бу санъаткорлар анжуманида мусавири Камолиддин Беъзод юлдуз-

лар аро Зуҳорден порлаб турарди. Камолиддин Беъзод (1455—1535) йиллар Хиротда камбаган оиласида туғилди. Ҳолигида етим қолади. Сўнг Беъзод Султон Ҳусайн кутубхонасининг мактобори оғо Мирон наиншаш ӯзига шогирдликка олади. Бу ерда бўлакан санъаткор атони расом Пир Сайд Аҳмад Табризийдан мусавирилик махоратини ўрганиди. Камолиддинга Алишер Навоий ва машҳур ҳаттот Султонали Машҳадийлар яқиндан ёрдан кўрсатилишида Беъзод тез орада наиншашларни мусавирилик санъатининг порлоқ чўққисига етади.

Камолиддин Беъзод иноди ниҳоятда сермаҳсул бўлган. Бироқ бизгача етиб келган ва сақланиб юлган

кайтинг, илтижо қиласман, ялиман. Ҳижронингиз ўтида парвона —

Адиба.

Вашингтон. 12. XI. 1965 йил.

**Гулим,
кўзлари чўлпоним**

Қўлим кўйсимида: ассалом. Соғиндим, шародиқон ойдин тунлардаги шалоладек тимора сочларни, қайролиқ юшу бодом қоюқ остидаги оху қўзларни, химраниб эркаланиши шўх-шўх қулишларни, гунгур-гунгур сұхбатларни ўларден соғиндим. Баъзан ҳаёлга толаман: бор вуҳуди билан ўз гулига мафтун йигит нечун айрилиқ — тинон заҳрини чекиши неран? Е, дунё ташвишларидан бир шингили бошига тушган, умрингин кўпини ўзи оиласида узонда, сафарда кечиришга мажбур бўлган йигит учун севтили ёр, айрилиқ ва рашининг роҳат ва азобларидан узоқроқ юриш мазкумиман?

Шу пайтда чинор шарқ яратган бир латифа кўнглиминдан ўтар: қиши экан. Бутун олам қорда. Ҳассасига кўйрик берган барадам шонир жонон газалларининг илҳоми — ёр висоли сари ошиқар. Бир замон шонир ўзидан бир қадам олдин бораётган ҳассасига беко тишилганича тақса тўхтаб қолади. Газабла синилган ҳасса қовураглари сингудай. Онагран-қўнгарган шонир лабларидан шу сўзлар қочади.

— Ҳимм... беор, каминдан барвақроқ ёримга етиб бориш нияти борга ўхшайди-ку, сенда! Бор, йўйлингдан қолма, дўсти нодон, дей қўлидаги хассани отиб урган шонир изига қайтади. Изигирин соўюқ. Ойдин кечи зарига безаниб ёғимиш момиқ икни бунчайган, одимлари тайлоқ шонирни беаёв савалар энан...

Латифа магзини чашин — сизга ҳавола, Ой киз.

Эди бў ердаги гапларга келсан, кечи Вашингтонда бўлдим. Шаҳар менга ёди: еру заминда юриш, шаҳар устидаги зангори осмонни юриш, нисбатан соғ ҳавода нафас олиш ҳам мумкин экан-ку. Президент Кеннеди дағн этилган қабристонга бориб, унинг мозори устида ўтрамиздаги фрикъхайёй диалогта ўхшаш нарса ўтвобуладими:

Мен.— Жаноби президент, кабинг устидаги кўнатда ўйнаётган

асарлари ижодининг фақат бир кисмидир. Шундай бўйси ҳам улар ўз музаллифи тенги йўқ мусавибир эканлигидан дадил далолат беради. Беҳзод прагтган миниатюралар Саъдийнинг «Бўстон», Навоининг «Хамса», Саъдий Шерозининг «Гулистан», Дехлавийнинг «Лайли ва Мажнун» сингари шоҳ асарларида сақланиб келган. Улуг мусавибирнинг асарларида тарихий воқеалар ва кундалик ҳаёт сакхалари, ҳокимларнинг тананали маросимлари ва оддий ҳали турмушидан олинган лавҳалар, шиддатли жанг ва шебърият руҳи билан сургорилинг севги кўринишлари аниқни топган.

Масалан, Шарофиддин Яздининг «Зафарнома»сига ишланган, Хева

қалъасининг забт этилиши тасвирланган расмии қаранг. Унда рассом шиддатли жангни, Темур аскарларининг қалъага ёпирлишини нақадар жонни қилиб ифодалаган.

Рассом миниатюраларидаги табиат манзараларини кўздан нечирарнанси, улардаги олтин ранг осмон, гулсафар рангга бўялган тог-тошлар, кизигаш адирларни кўриб, дастлаб ҳайрон қоласиз. Бирон Урта Осиёнинг ўзиға хос манзарасини синчинилаб кузатган бўлсангиз, мусавибирни санъатига хос бир оз кўтарини руҳда, шунинг учун ёрқин бўйларда тўғри ва ишонарни тасвирлангани шубҳангиз қолмайди.

Беҳзод моҳир портретчи ҳам бўлган. У чизган портретлар орасида

Ҳусайн Байқаро ва Шайбоникон, шоҳ Исломи ва Жомий портретлари акрилиб туради. Бу аскарлара фазо кўринмайди. Фақат чизиқ ва ранглардан, нур ва сиялардан фойдаланилган. Бу эса рассомдан ниҳоятда катта ўобилият талаб қиласди. Буюн мусавибирнинг портретларида ифодалangan шахслар ўзига жуда ҳам ўхшаганигини Беҳзод замондошлари ҳам таассуратларида ёзиб қолдирган.

Буюн санъаткор Камолиддин Беҳзод номини эслар, унинг аскарларини кўриб, ижодини ўрганар эканмиз, улуг Навоий билан бирга: «Накоҳ! Келиб хонамизни безат. Вақтинг хуш бўлсан, зерони, бизни ҳам ушвақт қилдинг», дегимиз келади.

А. УМАРОВ



шаббада нечук дараклар келтираётганни пайкарларни?

Кеннеди.— Улган одам тирик жонлар, чалкак дунёни кирдинорига жавобатр бўлишдан озод эканини унумта.

Мен.— Улганни ма в ёлдирилган? Йиги жаҳон уруши йўлни тўсиш нийтида киттап донолик кўрсатган эдингни, атрофиндагарлар, доллар дунёси праттаган жамият назолари сени жувоннамарг, ёш хотинингни бева, болаларнингни етим аллаб, бетавфиқ кирдиорлари даврозасини катта очиб юбордилар: яна уруш, яна кирғин, яна ота-оналар, халқлар боши янги уруш хатари билан банд. Бунгани мони дайсан, жаноби президент?

Кеннеди.— Хўб топиб айтдинг. Тўғри, мени «дустларим» ёлдириши. Кўйрагимга ажал ўйини қадаган Америка учун, Ватанини ҳам, ҳалик осойишилтигини ҳам заъфарон чағага алмаштирганлар учун ҳўшёр президент икерак, албатта, бирор, унинг расо ақли фақат ва фақат ашаддий зодагонлар хизматидаги бўлиши шарт экан. Йўса, ким бўлмасин, менинг тақдиримни ўҳшаш тақдирдан юшиб кутилиши амри-маҳол бу жамиятда, ҳа-а... Американин келаҗиги, имони ҳайси мўчада? Қайси йўл билан боршини икерак? Тириклигимда мени қиянаган муаммолар олами шу жавобсиз саволлардан иборат эканини биласанни?

Мен.— Сен деган жавобсиз саволлар, муаммолар олами мен учун аллақачонлар ён. Ўйлашимча, пешона терни билан тириклини ўтиказдиган американликлар учун ҳам бирқадар ён. Мақсад икроси гайратда, виждан курашида эмасми?

Кеннеди.— Билмадим. Бу саволнинг Оқ ўйдагиларга беринб кўргинга?

Мен.— Қайсар. Сени ҳалин яхши кўриб қолганли, ҳозир ҳам хотиранинни хурмат-иззат қилишиади. Аммо, сен ҳалинингни севмаган экансан. Аксинса, Оқ ўй адресини менга бермаган бўлар-динг.

Жаноби президент, Америка бўйлаб эсаётган шамол қабринг устидаги кўм майсада ўйнамонда. Кўйрагингни унинг баҳрига бешиб бокин-а! Нималарни эшитар экансан, ё сени ўйдирган жамиятинг каби ҳануз қўзин кўр, кулоғинг карми? Ҳайр, жаноби президент...

Адибажон, агар мендан эзмалин ўтган бўлса нечирарсиз. Аямларни бағрингизда тутинг, дуюйи са-

ломимни топширинг. Шу кунларда кўнглил нотинчроқ, изимни нутузувчилар ҳар қадамда... майли, аҳамият берманг. Қалби доимо сиз томон интилган йигитнинг —

Элнур.

Хоразм. Ургенч. 20. XI. 1965 йил.

Элнурим, яшулли

Кенса шоирнинг илҳом кайфияти жавҳарига ўралган саломингиз менинг Хоразмдан топди. Узинингга аёни, Хоразм тупроғи (дунёни харитасида Америка йўқ бўлган даврлардан анча аввалор) унинг шуҳрати жаҳонга машҳур эди), донодан-дено латифалар, гўзалдан-гўзл гўзларни ҳақиқати ҳазинаси. Сиз келтирган шевага унчалик пайров бўлмасам, бирини эслатиб ўтмоқчиман.

Оқсоқ тарзи Гулистан манонини билар экан. Адолат ва оқибат шаҳри, меҳнат ва гул бўйи билан кўнгли тог ҳалоиқ кунлардан бирорда Чингизхон қилинчзобларининг ҳужумига учралти. Ваҳшийлар шаҳар атрофидаги бўлгарлар, энинзорлар нулини нўнка соўрадилар, қалъани ололмайдилар: куну ойлар кечаверадио қамалдагилар жасоратини синдириш кўлларидан келмайди. Нихоят, босқинчилардан ҳам даҳшатлироқ ку — очарчилни ўзининг хунун башарасини намойни қилас, очлик илигини куритган мудофийлар дармонни ҳатто қилин-қаликони қўтиришага етмас, қалъа кўчаларидан шишиш ўлганлар сони кундан-кунга ошиб борар экан, Шунда шаҳар оқсоқли ўз маслаҳаттўйлари ва саркарларидан тўплаб, яна қандай чора бор, деган саволни ўтага ташлалти. Маслаҳатга йинилганлардан бирни сўнгти тадбирни — устамон режани айтиди. Гулистанликлар бисотларидан қолган иккни нафар хўкизга омбордаги бор-йўқ донни егизадилар-да, жоноворларни шаҳар дарвосасидан чиқарип юборадилар.

Очарчилик қалъа ичидагина эмас, қамал қўлганлар орасида ҳам ўз нағмасини кўрсата бошлаб: атроф қишлоғларни ялагандай қилишган, босқинчилар ҳам саросимада. Шаҳар дарвосасидан кўнринган хўкизларни хиппа бўғиг хомталаш чиҳар энанлар, коринлари бургода жиҳза тўлалигини кўриб ҳайрон қоладилар: «Деман, қалъадагилар тўқ ҳали... Ҳайронгаки берадигон бугдойлари бор-

ми? Енгиг бўлмиз...» ҳаёлида зудлик билан жўнб қолни тараддулага тушадилар.

Аммо қалъа оқсоқолининг якюя ягона қизи Гулбека бу ишдан рози эмас, чунки у босқинчилар сарнадариси — ёш, довориа пахлавонин севиб қолган. Уни кўрмоқчи, бирга бўлсан деган нияти бор экан. Туннинг қонрги шарпасидан фойдаланиб, Гулбека босқинчилар сарнадариси мақтуб жўнгатди: «Баҳодир йигит, сен шошма, «буғдой» масаласи найранг, устамонли. Бир кун тоқат қилассан — зафар сенини.»

Босқинчилар туялрага ортилган асбоб-аслаҳаларини, чодир-чулдирларини қайтадан ўрнатиб, қалъа қамалига эўр берарадилар. Эртасига эса шаҳар таслим қолади. Қалъага бостириб кирган аламзода ваҳшийлар бор тирик жонни қилинди ўтказиз, шаҳарни ўт балосинга мубтода қиласидилар.

Бўғириқан, кўзлари ёхтирос ўти билан мастона Гулбека севиги ва миннатдорлик умидига босқинчилар сарнадариси тўғри бўлар экан, шу сўзларни эшилди: «Отасини, она-шахрини соттаган аёл менга вафо қиласидил!» Бу манжалини иккни байтал думига бўглаб, оғизисидан айғир қўйилсин... Хизматларига ташаккур, бенкам.

Латифа магзини ҷашиш — сизга ҳавола, жон йигит.

Сирасини айтсам, дардисиз дармон бўлмаганидек, рашиксиз севиги, севгисиз раши ҳам йўқ, азизим. Ҳуллас, севгингиз ҳам, рашикингиз ҳам шамиши бошимда дурра эканига ионсангиз — бас.

Адибагиздайм бир савол бор. Айни кунларда ахён-ахён бошим айланадиган, кўнглим, «Хоразмнинг ширга-шарбат немъатларини» мас, шўртак нарсаларни тусайдиган одат чиқарди. Бу нимадан экан? Бир ўйлаб кўринга, Элнуржон ага?

«Изимни кузатувчилар ҳар қадамда...» Бу нимасига? Юрагим орнамга тортиб нетди-я. Элнуржон ага, ўтинаш, қайтинг! Мехнат хосили, ноzu неъмат Аму сингари қалъа оқаётган олтин Хоразм ҳам муштипар ҳололингиз

ҳам сизни беҳад соғинишган. Тезроқ қайтarsis degan umidamiz, Xair-xuishingiz, Қўзлар йўlingizda tolgan erinngiz, intizorngiz —

Адиба.

Нью-Йорк. 30. XI. 1965 йил.

Ифтихорим, онагинам

Салом... ассалом. Хоразмдан юборган мақтубингиз булутни ҳайдаган шамол, тунни қочирган тони савобини банкарса бўладими. Ақула назокатни, сабру қарорни сиздан ўрганомиз керак. Раҳмат, минг қатла ташаккур, онагинам.

Чамамда, қайтагандирсиз? Умримда биринчи бор сизни «онагинам» деб атадим. «Кўнгил айнишлар» фарзанд дийдоридан дарак, азизим. Узингизни асрарн, тортаётган азиятларигиниз учун мени кеичиринг. Оқибати хурсандчилик билан тугашига умид ва қаноат тилайдам, нодирам.

Инсон қадар ер билан яксон қилинган, бутунласи «сарци ҷаши — доллар» мағнфатига кулини қалиниб, виздан ва тони фохишаబозлиги, ёшлини ва авлад жувоннамарларни одатидан манзара бўлиб қолган мухитда, озодлик деганда зодагонлар эркини, баҳт деганда зодагонлар эркини, ҳали деганда бир сиқим пулдорлар нағсини назарда тутган одамномга башаралар орасида юрган чогинда янги меҳмон — тўнгига фарзанд дарагига эшитиш... бошим омсонағ етди, дунёга симай кетдим.

Қолганларни учрашганимда айтарман. Сафар азоби тугади, онағинам. Башаран ишларини януни Москвада бўлади. Азонлаб йўлга қиамасига. Кўришгунимизча ҳайр, ҳайр, қаламоқшим. Сиз ва волидан мұхтарамызига сихат саломатлик тилаб, учрашув нөбәтидән кутиб қолувчи —

Элнур.

*

Тамом... ёзиншалар тугади. Ташқарида эса аллақачонлар ёмғир тинган, кўмук осмон, юзлари ёмғирда табиати қўёш нурига чўмилди, ором-ором нағас олмада. Сайроқилар, зибайдиколлар савиши аниқни авжида. Менинг ҳайлини бўлсан, қалъа оқаётган олтин Хоразм ҳам муштипар ҳололингиз

Нью-Йорк—Тошкент. 1965—1966 йиллар.

Баркандай қызарған қуёш уфқа ёнбошлади. Идора олди бешінші нафар колхозчи нима ҳақадыр сұхбатлашиб түрганида Абдулла ака көлип қолды. У ҳамма билан сұрашы, хол-ахвоздың сурштири, кейин биргалашиб ичка-рига кирдилар.

Колхозиларниң күнгіліда раисға айтадын гаплари бор эди. Абдулла ака уларнің юзінің бир назар ташшып пайқады. Ҳаммалары билан бағұржа гаплашиш. Одам-охунлик шунчалық бұлар-да! Шу сабаб қынлоқ ахыннің унта мекрі түшін. Ҳалқ раиснің бир сұзлығын, меҳри-бонлигини, ҳалолу покылғының яхши билади, етті яшаридан етміш яшаригана унға ишонади.

...Осын артылған шишишадай тиңік. Тұлпаниң жолдузлар даврасында сайдың қылмоқда. Абдулла ака мүйилишінде чаптаға бүрілгандың әрта-кеч күріп орган сада қайрағочта күзін түшіді, дараҳтада иштегендегін тортады. Күнгілі ҳа-зелін күмседі. Үтмінші ҳозыр үйнінде келді.

Умр — оқар дарә: үтады-кетады. Донолар айтгандай, элта, юртта җашылғындың қолады, холос. Дараҳт ҳам худди одамзодга үшхайды. Абдулла ақаннің ҳали ҳам эсінде: шу садаңын үтказынастайтанды чинчалоқдек эди. Отаси Ортиқ бұва раҳматлар билан иккөншіндең күшін... Не-не довулу соңындағарға бардос бермади бу сада! Лекин, әгілдию син-мади, һыллар үтгап сайдың танасында тана, шохнага шош күшиләверди. Бағдар қезлары қишлоқ хүснінде-хүснің күшін, майда барғларыда шабада елпиди, құзда барғларынан ҳа-зен қылғын, инсон пойқадамын түшіді. Мана энді танасында қоюқ етмайды, шохларының санағ үлгуролмайсан. Ҳа-моян ҳалқ хизматида, қишиларға сөйбон.

Абдулла ақаннің умрі ҳам ингінчка бир новдадан ба-куват, серилдіз дараҳтта айланған садаға үшхайды. Ешлігіндең дағалаған, пактага мекрі күйіді. Колхоз түзил-ганини деңгөнілар Ортиқ бувани ҳұжаликка рахбар қи-лип сайлаши. Күнчиликнің отахонан бұлыш осомын! Ортиқ ақа ҳамиша: «Үрлем, күннің гапига қулоқ сол-санғ, ҳалық бұлсанғ, қамлар күрмайсан», деген үгін берар-ди. Отаси оламдан үтганды Абдулла ақа пактага күзи-нишпің қолтанды, қолхозилар уни отаси үрніндең раис-қылғын сайлаши. Мана шүнгә ҳам үттіз бир йыл бўлди.

Үттіз бир йыл! Айтышга осон. Ұша күнларда туғылған қақалоқ ҳозыр қаттақон оиласа бош, ишлаб үшіндеріндең шешкәдам.

Абдулла Ортиқов ҳамиша олдингі сағта интилди. Колхозиларниң чин отахони, асл устози бўлди. Ҳалол мек-нати, доно ташқынчылығын іюрони баҳолаб, партия, ҳу-куматимиз, ҳалқ — ватан уннан күкрагига Олтин Юл-дуз — қаҳрамонлик нишонини тақиб қўйди. Сайловчилар Абдулла ақан неча қайтадан республика Олий Совети депутатларында сайлашган.

ҮЙЛАР

Күнчиликнің ҳурматтага сазовор бўлиш, унинг ишончи-ни оқлаш осон дейсизмі?! Бунда кекса пактакор яхни тушунади. Үттіз йилдан бері колхознің экинзорларынин минг-минг марта пішада, отда, аравада, машинада кезіб чиққан. Ҳар бир қарғич ер, ҳар битта ариғу уват унга ташкидади. Ҳар бир оиласыннан азиз мемони.

Киши қарған сары ақыл қаймоқлашиб, ўтган умрини, кечирған күнларини күпроқ заслайдын бўліб қолар экан. Илтарлары колхозын бир кунда иккі-үч бор кезіб чиқар, борди-ю, шундай қылмаса, күнгілі тұлмағеттанды түолар эди. Энди далаларни бир айланасақ چарчаб қолыпти. Бу гапни яқында очиқ партия ینғилишида ҳам ўттага ташлади. «Бирорадлар, аңа қаріб қолдым, энди үрнінға ѡшлар ишласын, муносиб шогирдлар бор», — деди. Лекин, ҳеч ким рози бўлмади. «Ҳали қақуваатсиз. Сизнинг маслахат-тингизнің үзи бизни далага чорлайды, галабага руҳлантиради», — дейишиди.

«Ҳалқ мекрі — дарә, қаҳри — ўт», деб бекорга айттилмаган экан. Ана шу ишлік гаплар раиснің руҳнин тетик-лантириб, фикр-үйнин инада ойдинаштириб юборди, гай-рат камарини маҳкамроқ бөглади.

Дарвоғе, Абдулла ақаннің шогирдлари ҳақида. Колхоздагы ҳар бир актив, одий дехондан унинг шогирди деса бўлади. Фақат биттасини айта қолай. Янгиюлда Фозил Мадалинини тәннимайдын одам йўқ. У авваллар Абдулла ақа билан «Ленинниз» колхозида ишлар эди. Үттіз йилдан бері қүшни Назаралы Ниёзов номли колхозга раис-лик қылышты. Ҳұжаликниң тез орада оёқда турғазди. Пакта илмінин, раҳбарлар санъетини Абдулла ақадан ўрганған. Шогирд устозини уялтириб қўйғанин йўқ. Ўтган йили унинг қўрганида ҳам қаҳрамонлик Олтин Юлдузин порлади.

— Күнчиликнің раҳбари ҳарзиг ғонак, ҳалол бўлиши керак, — дерди Абдулла ақа билан ҳамсуҳбат бўлсан-гиз. — Мехнат кишини улуглайды. Агар донолар айтганидек, киши үзини сүқлайдан сақлай олса, нағсииң тийса, зинхор қоқилмайди, эл газабига учрамайди.

Ҳақ гап. Бунда шу шүничаки айттаёттанди йўқ. Ҳаёт тажрибасыда кўрган, ўрганған.

Абдулла ақаннің әзларынан өчім ҳамиша уннан ана шу гаплары, ўғитлары, инсоний одоб тўғрисидаги содда, лекин ҳақониң сүзлары қулогимда жаранглайды.

Ағусуки, бу одам энди орамизда йўқ.

Зокир
Күртнезиров



1917 ИЮЛ МАРТ

ГАЗЕТАЛАР НИМАЛАРНИ

ЕЗГАН...

★ Дұма үзіншік охирғы мажлиси-да бир қадоқ ғыйштартархини 35 тайин, құйы ғыйшти нархини 40 тайин белгіләди.

3 март.

★ Кече эски хукумат томонидан тайшланған Сирдарә облысты ҳарбий губернатори А. Н. Корульский Петрограддан Тошкентге келди.

5 март.

★ Милиция бошлиғидан: маъдум қыламанки, 8 марта күні кеч соат 1 дағы погромчи-монархчи ташқилюғынан машайхур ғұлбоғыннан Василий Григорьевич Орловни ушлаб қамашига муваффақ бўлди. У Сергей Иванович Сергеев деган номдагы соҳта паспорт билан Москвадан Бухорога қочиб келді.

Шахарни мұхофаза қилиши Тошкент шероғынан комитетинин комиссари Г. И. Бродоид.

10 март.

(«Түркестанский курьер»).

...НИМАЛАРНИ ӨЗМАГАН

★ 2 марта куни Тошкент темир ўйлапчилари айғилиши бўлди. Үнда Тошкент Советининг 12 депутати сайланди. З марта шаҳар заводлари депутатлари сайдланғандын кейин Үргат Осиёда биринчи марта ишчи депутатлариниң Тошкент Совети тузылди.

★ Март ойи бошлирида Андижон, Сакарқанд, Скобелевда Ишиң депутатлари Совети билан солдат депутатлари Совети тузилди. Мартнан үргатлари Советлариниң биринчи Фарғона область съезды бўлиб ўтди.

★ Тошкенттеги эски шаҳарда 400 ортиқ ғұзбек ишчисини бирлаштырган қуруучилар касаба союзи ташкил топди.

Охунжон Ҳаким

* * *

ХИЕБОН ЧЕТИДА ТУРАР У ТАНХО,
КУЗЛАРИ ЖОВДИРАР, БОТ-БОТ «УФ»ЛАЙДИ.
СЕВГИЛИСИ ЯНА КЕЛМАСА НАХОТ?
ПАПИРОС СУРСА ҲАМ ОЛОВ ПУФЛАЙДИ
КУТАР,

БАРДОШИГА ҮҚНИМАН ТАҲСИН,
КИМ БИЛМАС БУ ДАМДА УРТАНИШИН ЖОН.
ҚАНИ, ҚИЗЛАР ҚАЛЬИН ОЧИВ ҚИТЬАСИН,
ОШИҚЛАР МУШКУИН АЙЛАСАМ ОСОНИ
САЛ ҚИЗИШДИМ ЧОГИ...

ИШҚ БОРАСИДА
БИЛАМАН НЕЛИГИН ҲИЖРОН ВА СИТАМ.
